# O‘zbekiston ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

№ 05-06
2020-yil, 14-yanvar
Seshanba (32.600)

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

*Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!*


*Ўтган даврда Президент виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари орқали 3 миллион 650 мингдан зиёд кишининг мурожаат қилган. Мазкур мурожаатларнинг 2 миллионга яқини ҳал этилган, 1,5 миллион мурожаатчига ҳуқуқий тушунтириш берилган. Жойлардаги Халқ қабулхоналари томонидан сайёр қабулларда 1 миллион 700 минг фуқаро билан мулоқотлар ташкил этилган. Халқ қабулхонлари ва секторлар масъуллари уйма-уй юриши натижасида 988 минг муаммоли ҳолатга ечим топилган.*

# ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАСИ ТАРМОҒИНИ 2020 ЙИЛДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 январь куни электр энергетикаси соҳасини янада ривожлантириш бўйича жорий йилга мўлжалланган асосий вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Электр энергетикаси иқтисодий тараққиёт барқарорлиги ва аҳоли фаровонлигини таъминлайдиган муҳим омилдир. Бу тармоқни модернизация қилиш, энергия қувватларини кўпайтириш ва истеъмолчиларга узлуксиз етказиб бериш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 1 февралдаги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ташкил этилди. Ўша йилнинг 27 мартидаги Президент қарорига асосан, “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти ислоҳ қилиниб, унинг негизида “Иссиқлик электр станциялари”, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” ва “Ҳудудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятлари ташкил топди.

Ўтган йили мамлакатимизда 6 та йирик лойиҳа доирасида жами 1076 мегаватт электр энергия қувватлари ишга туширилди.

Жорий йилда электр энергияси истеъмоли 71 миллиард киловатт-соатни ташкил этиб, ўтган йилгига нисбатан ўртача 9 фоизга, яъни, иқтисодиёт тармоқлари талаби 10, аҳолиники эса 8,5 фоизга ошиши кутилмоқда.

Йиғилишда ушбу эҳтиёж қайси манбалар ҳисобидан қопланиши, Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган “Йўл харитаси” ижроси муҳокама қилинди.

Президентимиз 2020 йилда электр энергияси ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва етказиб бериш бўйича белгиланган чора-тадбирларни тўлиқ, сифатли амалга ошириш зарурлигини таъкидлади.

Жорий йилда иссиқлик электр станцияларида 1177 мегаватт, гидро электр станцияларида 120 мегаватт қўшимча қувватлар ишга туширилиши режалаштирилган. Шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига 3 минг 500 мегаваттли буғгаз қурилмалари, 400 мегаваттли шамол ва шунча қувватга эга қуёш электр станцияларини қуриш бўйича лойиҳалар шакллантирилган.

Йиғилишда тармоқ корхоналарида рентабелликни таъминлаш, энергия истеъмоли учун қарздорликни бартараф этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими бу борада яхши самара бераётгани қайд этилиб, “Ҳудудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятига йил якунига қадар яна 4 миллион 500 минг дона замонавий ҳисоблагич ўрнатиш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари электр энергияси ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва етказиб беришда йўқотишларни камайтириш масаласига алоҳида аҳамият қаратиб, бу бўйича мутасаддиларга муҳим топшириқлар берди.

Соҳадаги ислоҳотларнинг кейинги босқичида электр энергиясининг рақобатли улгуржи бозорини шакллантириш, генерация жараёнига давлат-хусусий шериклик тамойили асосида инвесторларни жалб қилиш ва бунда давлат улушини босқичма-босқич камайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда соҳани ривожлантиришнинг узоқ истиқболлари ҳам кўриб чиқилди.

Ҳисоб-китобларга кўра, 2030 йилга бориб юртимизда электр энергияси истеъмоли ҳозиргига нисбатан 2 баробар кўп бўлиши кутилмоқда. Шу боис Энергетика вазирлигига кейинги ўн йилда умумий қуввати 7 минг 900 мегаватт бўлган янги иссиқлик электр станцияларини ишга тушириш бўйича топшириқлар берилди.

Шунингдек, инвесторларни жалб қилган ҳолда, 8 минг мегаватт қувватга эга қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш, гидро электр станциялари қувватини 1 минг 935 мегаваттга ошириш, кичик гидро электр станциялар барпо этишни хусусий секторга бериш юзасидан вазифалар белгиланди.

Мутасадди ташкилотларга Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда электр энергияси соҳасида замонавий технологиялар билан бевосита ишлайдиган ўрта ва кичик бўғин мутахассисларини тайёрлаш бўйича беш йиллик дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан соҳа корхоналари раҳбарлари ҳисобот берди, чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**ЎзА**

## *14 январь – Ватан ҳимоячилари куни*



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 28 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг мудофаа қудрати ва ҳарбий-техник салоҳиятини юксалтириш, давлат хавфсизлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, профессионал миллий армияни шакллантириш, ҳарбий хизмат нуфузини оширишдаги катта хизматлари, жамоат тартибини сақлаш, тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги самарали меҳнати, хизмат бурчини бажаришда мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани, ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, юқори малака ва маҳоратга эга кадрларни тайёрлаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар орден ва медаллар билан мукофотлансин:

*Давоми 2-бетда.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## Ш.Қ.АБДУРАХМАНОВНИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Абдурахманов Шухратбек Кушақбаевич** Андижон вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2020 йил 13 январь*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## Ў.И.БАРНОЕВНИ БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Барноев Ўктам Исоевич** Бухоро вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2020 йил 13 январь*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## Э.А.САЛИЕВНИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Салиев Эргаш Алибекович** Жиззах вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2020 йил 13 январь*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## З.Т.МИРЗАЕВНИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Мирзаев Зойир Тоирович** Қашқадарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2020 йил 13 январь*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## К.Б.ТУРСУНОВНИ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Турсунов Кобул Бекназарович** Навоий вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2020 йил 13 январь*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## Х.Х.БОЗАРОВНИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Бозаров Хайрулло Хайитбаевич** Наманган вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2020 йил 13 январь*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## Э.О.ТУРДИМОВНИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Турдимов Эркинжон Оқбутаевич** Самарқанд вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2020 йил 13 январь*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## Ғ.Ғ.МИРЗАЕВНИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Мирзаев Ғофуржон Ғаниевич** Сирдарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2020 йил 13 январь*



## АСКАР МАКТУБИ

***Чегарада турибман мағрур,***
***Ортда Ватан, ортда сен борсан.***
***Хаёлимга бағишлайсан нур,***
***Юрагимдан кетмас баҳорсан.***

***Боболардан эшитганим бор,***
***Мард йигитлар элнинг шонидир.***
***Фақат шуни унутма, дилдор,***
***Севги дилнинг ҳаёт-жонидир.***

***Қўлингдаги, йўқ, мактуб эмас,***
***Уриб турган юрагим, ахир,***
***Бу оламда Ватан муқаддас,***
***Бу оламда севги азиздир.***

***Номаларим кечикса гоҳо,***
***Сен сабрнинг қўлларидан тут.***
***Дилда тутиб ишқни доимо,***
***Ҳузурингга боргайдирман, кут.***

***Аскарда куч, аскарда тоқат,***
***Ватан учун ҳар нега шайман.***
***Сен севгимга айла садоқат,***
***Мен сен учун юртни асрайман.***

**Ғайрат МАЖИД**

Мардлик, жасорат ва Ватанга садоқат ҳар доим шарафланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

## ФАРМОНИ

# ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 28 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

### I ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Турдиев Алишер Талибович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари

### II ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Бузруков Лутфулла Юсупович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий округ қўшинлари қўмондони

**Исмаилов Тимур Камалатдинович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бош бошқарма бошлиғи

**Мажидов Улугбек Абдувохидович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Рашидов Алишер Абдумажидович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бошқарма бошлиғи

**Тешабоев Мурод Ойхўжаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

### «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

**Бя Юрий Ярославович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

**Захидов Абдурасул Абдусаттарович** — «Discover Invest» масъулияти чекланган жамияти директори

**Земсков Александр Юрьевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Мирвохитов Мирсаид Мирфатух ўғли** — «Natural Houses» масъулияти чекланган жамияти директори

**Миргалиев Асхат Осатович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўқув маркази катта йўриқчи-ўқитувчиси

**Мирханов Умид Сапарович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Тургунов Илхом Тургунович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси марказий аппарати бошқарма бошлиғи

### «МАРДЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

**Косимов Равшан Норкобилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Маматмусаев Мирзокул Мавлонқулович** — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосари

**Отақўзиев Шуҳратжон Нурмухаммадович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм командири

**Рахмонов Рахматулло Бозорович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Собиров Ботиржон Зокирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батареяси командири

**Тўрахонов Қахрамонжон Эркинович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бош бошқармаси бўлим бошлиғи

**Ҳакимов Рамазон Салимович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

### «ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдуллаев Азизхон Тохиржон ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Абдуллоев Салим Шокирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

**Абидов Мурод Мирвахидович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент шаҳри бўйича бошқармаси отряд командири

**Алимов Шерзод Боходирович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Бурибаев Нурали Зулхайдорович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командири

**Дуланов Мирзохид Махамадалиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм взводи командирининг ўринбосари

**Жабборов Жаҳонгир Сотиболдиевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Жалилов Жамшид Норкузиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командири

**Жўраев Ахрол Ахатуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Исматуллаев Бархает Сойибович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командирининг ўринбосари

**Йигиталиев Ойбек Аскаралиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрильяси командири

**Йигиталиев Шокиржон Зухриддин ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари Минтақавий штаби взвод командирининг ўринбосари

**Мунтурганов Байрамбек Женисбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари Минтақавий штаби взвод командирининг ўринбосари

**Нoралиев Журабек Эралиевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Ражабалиев Санжар Эшмуродович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий округ бошқарув аппарати бўлим бошлиғи

**Рахмонов Хусен Искандарович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги отряд командирининг биринчи ўринбосари

**Сидиқов Ғолибжон Рахимбердиевич** — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси отряд командири

◀Давоми, бошланиши 1-бетда.

**Умурзаков Журабек Набижонович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Хожиматов Мадёрбек Турсунбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Хўжаев Дадахон Илҳомович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш бошқармаси сафдор ходими

**Юсупов Мухтар Бекчанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бошқарма бошлиғи

### «СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдурахманов Яхё Хусанович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий округ бошқарув аппарати бошқармаси бошлиғи

**Абдухамидов Мадаминжон Мухаммаджонович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари Минтақавий штаби штаб бошлиғининг ўринбосари

**Авезбердиев Дилшод Реджапбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Адизов Зохид Рашидович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Азимов Ихволжон Омонбаевич** — Фарғона вилояти Божхона бошқармаси бошлиғи

**Асфандияров Рамиль Рустамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси хизмат бошлиғи

**Ахмадалиев Рашит Мусинович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси кафедра бошлиғи

**Ахмедов Зафаржон Азамович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Балхиев Нуриддин Исамитдинович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Жиззах вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармасининг Фориш тумани фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи

**Бобоназаров Бекзод Бахтиёрович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальони командири

**Бозоров Уктам Турмухаммадович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бошқармаси катта офицери

**Бозоров Эрали Хабибуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Гуломов Фахриддин Шакирович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги «Хавфсиз дарё» давлат унитар корхонаси бошлиғи

**Ибрагимов Искандар Икромович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси батальони командири

**Исаев Баходир Усманович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Кадиров Камиль Шамильевич** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби бошқармаси бошлиғи

**Кадиров Шаухат Жанабаевич** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошқармаси оператив бошқарув маркази бошлиғи

**Касимов Гайрат Ташкенбекович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси «Динамо» жисмоний тарбия-спорт жамияти раисининг ўринбосари

**Кодиров Хотам Шакирович** — Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг иккинчи минтақавий ҳудуд бўйича вакили

**Кудратов Уктам Гофурович** — Ўзбекистон Республикаси Олий ҳарбий авиация билим юрти кафедраси бошлиғининг ўринбосари

**Мамарасулов Равшан Рустамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа саноати давлат қўмитаси «Чирчиқ авиация таъмирлаш заводи» давлат корхонаси директорининг ўринбосари – бош муҳандиси

**Мўйдинов Алижон Ахмаджонович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари тезкор гуруҳи взводи командирининг ёрдамчиси

**Нормаматов Муродбек Ибайдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Палванов Шакир Базарбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм лабораторияси катта лаборанти

**Расулов Хусниддин Холмуродович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командири – қоровул бошлиғи

**Рахманов Хондамир Парманкулович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси марказий аппарати бошқарма бошлиғи

**Рахматов Дусёр Джалолович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм взводи командири

Реймов Максетбай Жолдасбаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командирининг ўринбосари

**Тўраев Зафаржон Турсунпўлатович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институти бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Турсунов Кодиржон Мухаммаджонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти кафедраси бошлиғи

**Тухтасинов Икболжон Иномжонович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинлари алоҳида батальони командири

**Хабиев Илдар Рашидович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Хамроев Бахшилло Ғайбуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм хизмат бошлиғи

**Ҳамроев Камолжон Каримович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Бухоро вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси Ғиждувон тумани фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи

**Хусенов Хамза Исмоилович** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси Пешку тумани бўлими профилактика катта инспектори

**Юлдашев Исмойилжон Жураевич** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги институти кафедраси профессори

### «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдуқаххаров Қобулжон Абдугоппор ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари Минтақавий штаби взвод назоратчиси

**Аллаберганов Махсуд Жуманязович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Хоразм вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси ёнғин-қутқарув қисми бошлиғи

**Алметов Шерзад Болтабаевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Ахборот-коммуникация технологиялари бошқармаси бош инспектори

**Астанкулов Отабек Тохирович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги мобиль бошқарув пункти катта техниги

**Ачилов Мансур Сувонбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари Минтақавий штаби взвод командирининг ўринбосари

**Бекмурзаев Акмал Абдуалиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлим бошлиғи

**Бобомурадов Зоҳиджон Закирович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Хоразм вилояти бўйича бошқармаси отряд командири

**Вахидов Абдукадир Исакович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Жонқобилов Акмал Файзуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьяси

**Исақов Элмуроджон Изатилло ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари Минтақавий штаби взвод назоратчиси

**Исматов Икромжон Парпиевич** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби бўлими бошлиғи

**Курбанов Бахром Фазлитдинович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Матякубова Агата Рустамовна** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм отряди командири

**Машарипов Рўзибой Рахимович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Хоразм академик лицейи директори

**Мирзаев Шахбоз Шавкатжонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм взводи командири

**Мухторов Илхом Мухторович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармаси бошлиғи

**Раҳматов Баҳодир Эсиргапович** — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси ташкилий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Рахматов Мирзохид Холтураевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи қоровул бошлиғи

**Рахмонов Нурзодбек Эргашбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секцияси командири

**Салаев Хамза Аббазович** — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи

**Санаев Шухрат Музаффарович** — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ўта оғир жиноятларни тергов қилиш бўлими бошлиғи

**Саттаров Азизбек Тоирович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги махсус муҳандис-қурилиш бошқармаси батальони командири

**Сулайманов Зафарбек Сахибжонович** — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони бўлинма командири

**Танимова Гоззал Мауленбергеновна** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳи офицери

**Ташев Жасурбек Хакбердиевич** — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Тожибоев Диербек Еркинович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби маркази бошлиғи

**Туев Исроил Исмоилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командири

**Убайдуллахужаева Ойдиной Хамидуллаевна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм маркази мутахассиси

**Усманов Александр Раҳимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлими мутахассиси

**Хайдаров Абдугаффор Мажидович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Наманган вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси оператив бошқарув маркази бошлиғи

**Халимов Эркин Халилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти кафедраси доценти

**Шарипов Алишер Абдунабиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлими бошлиғи

**Элмуродов Бекзод Тоштемирович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Навоий вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарувчи-йўриқчиси

**Эшонкулов Одил Алламуратович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Кичик мутахассисларни тайёрлаш маркази катта йўриқчиси

**Юсупов Саиджон Нематович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командирининг ўринбосари

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри, 2020 йил 10 январь*

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

## ФАРМОНИ

### Т.А.БОБОЛОВНИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Боболов Тўра Абдиевич** Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри, 2020 йил 13 январь*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

## ФАРМОНИ

### Р.Қ.ХОЛМАТОВНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Холматов Рустам Қурбонназарович** Тошкент вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри, 2020 йил 13 январь*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

## ФАРМОНИ

### Ш.М.ГАНИЕВНИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Ганиев Шухрат Мадаминович** Фарғона вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри, 2020 йил 13 январь*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

## ФАРМОНИ

### Ф.У.ЭРМАНОВНИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Эрманов Фарход Уразбоевич** Хоразм вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри, 2020 йил 13 январь*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

## ФАРМОНИ

### Ж.А.АРТИКХОДЖАЕВНИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қарорига мувофиқ **Артикходжаев Жахонгир Абидович** Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри, 2020 йил 13 январь*

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕС РАИСИ САЙЛАНДИ ҲАМДА ВАЗИРЛАР КЕНГАШИ РАИСИ ТАЙИНЛАНДИ

**2020 йил 13 январь куни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг сайловдан кейинги биринчи сессияси мажлиси бўлиб ўтди.**

Унда Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 80-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг розилиги билан Ерниязов Муса Тажетдинович Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси этиб сайланди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган тақдимномасига биноан Сариев Кахраман Раматуллаевич Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси лавозимига тайинланди.

Сайловчиларни қизиқтирган саволлар





# ЯНГИ САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАР ҚАЧОН ВАЗИФАСИГА КИРИШАДИ?

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар қачондан бошлаб ўз вазифасига киришади, Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш қачон амалга оширилади?**

**Бу саволлар кўпчиликни қизиқтириши табиий.**

Ушбу жараён қуйидаги тартибда амалга ошади:

**Биринчи,** Конституцияга асосан, ваколат муддати тугагач, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати янги чақириқ Қонунчилик палатаси ва Сенати иш бошлагунига қадар ўз фаолиятини давом эттириб туради.

**Иккинчи,** Сенат аъзоларининг сайлови Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий кенгашлар депутатлари сайланганидан кейин 1 ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Сенат аъзолигига номзодлар кўрсатиш Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ҳамда тегишли маҳаллий Кенгашларининг қўшма мажлисида амалга оширилади.

**Учинчи,** Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси, Қонунчилик палатасига сайловдан кейин икки ойдан кечиктирмай, Сенатнинг биринчи мажлиси эса Сенат шакллантирилганидан кейин бир ойдан кечиктирмай Марказий сайлов комиссиясининг чақириғига асосан ўтказилади.

Биринчи мажлисларда тегишлича Сенат Раиси ва Қонунчилик палатаси Спикери сайланади, палаталарнинг қўмиталари тузилади ҳамда фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилади.

Айнан шу мажлисдан сўнг янги сайланган депутатлар ва сенаторлар ўз вазифасига киришади.

**Тўртинчи,** Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади, бироқ Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби шакллантирилгунига қадар ўз фаолиятини давом эттириб туради.

Вазирлар Маҳкамасининг ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиши янги шакллантирилган Сенатнинг биринчи мажлиси ўтказилган кунда Олий Мажлиснинг палаталарига Бош вазир томонидан ёзма мурожаат бериш орқали амалга оширилади.

**Бешинчи,** Бош вазир номзоди Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади.

Президент тақдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиққанидан кейин ўн кун муддат ичида уни Олий Мажлис палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади.

Бош вазир номзоди унинг учун тегишинча Олий Мажлис аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда тасдиқланган ҳисобланади.

**Олтинчи,** Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига (жумладан, вазирлар, давлат қўмиталари раислари) номзод Қонунчилик палатасидаги масъул қўмита, сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар гуруҳлари томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилганидан кейин Қонунчилик палатасининг мажлисида кўриб чиқилади ва маъқулланади.

Вазирлар Маҳкамаси аъзоси лавозимига номзод унинг номзодини Қонунчилик палатасида кўриб чиқиш ва маъқуллаш чоғида ўзининг тегишли ҳаракатлар режасини тақдим этади.

Вазирлар Маҳкамасининг аъзоси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланганидан кейин ўз вазифаларини бажаришга киришади.

**Еттинчи,** Сенат ва Қонунчилик палатасининг қўшма мажлисларида Президент мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг муҳим масалалари юзасидан нутқ сўзлаши мумкин.

Хусусан, яқин кунларда Президентнинг янги шакллантирилган Парламентга анъанавий мурожаатномаси кутилмоқда.

Шунингдек, қўшма мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастури эшитилади.

**Адлия вазирлигининг телеграмдаги "Huquqiy axborot" канали.**



# ДЕПУТАТ ТАШАББУСИ БИЛАН

Кўпчиликнинг эътиборига тушиб ишончини қозонган номзодгина депутат этиб сайланиши барчамизга маълум. Ҳар бир овоз, аввало, ишонч, қолаверса, масъулият деганидир. 43-Хайрабод сайлов округидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига сайланган Зафар Махаматов ҳам сайловчилар ишончини қозонганлардан бири.

— Номзод Зафар Махаматов учрашувлар давомида асосан маҳалла оқсоқоллари билан суҳбат олиб борди, — дейди **«Янги Шарқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Комил Худайберганов.** — Барчани ўз сайловолди дастури билан таништирди. Уларни ўйлантираётган муаммолар билан қизиқди. Халқ демократик партиясининг сайловдан кейин амалга оширмоқчи бўлган илк 12 қадами ҳақида атрофлича маълумот берганди. Ҳатто сайлов округидаги ҳал этишни кечиктириб бўлмайдиган масалаларни ён дафтарига ёзиб, ўзи учун белгилаб олганди. Шунда маҳалла аҳли энг муносиб номзодга овоз беришини билдирган эди.

З. Махаматов халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати этиб сайлангач, Ўзбекистон ХДП Чилонзор туман кенгаши раиси Доно Маҳмудова билан маҳалламизга келди. Унинг ташаббуси билан 18-21 уйлар оралиғидаги йўл асфальт қилинди. Отахон ва онахонларнинг дуосини олди. Ҳамкорликда фаолият олиб боришга келишиб олинди.

**Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши Ахборот хизмати.**

# ИШОНЧ ВА МАСЪУЛИЯТ



**Рахмонов Шерзод**

Бугун вилоятдаги қайси соҳани олманг, қайси ҳудудда бўлманг, қувонишга арзигулик ўзгаришларни кўрасиз. Ким билан суҳбатлашманг, эртанги кун билан боғлиқ эзгу ниятларини эшитасиз. Кимдир янги савдо мажмуаси қурмоқчи, бошқаси ўз бизнесини йўлга қўймоқчи, кимдир эса банкдан олган кредити асосида ўз хусусий корхонасини кенгайтирмоқчи. Улар — дунёқараши кундан-кунга ривожланаётган, замон билан бирга қадам ташлаётган, инсон сифатида қадри юксалаётган Янгиланаётган Ўзбекистон фарзандларидир!

ЎзХДПнинг энг ёш депутати Шерзод Раҳмонов ҳам "Янги Ўзбекистон –янги сайловлар" шиори остида ўтган муҳим сиёсий жараёнда халқ ишончига сазовор бўлиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланган ёшлардан бири.

Ш. Раҳмонов 1993 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. Болалигидан қишлоқ хўжалиги, чорвачилик ва паррандачиликка иштиёқи баланд эди. Шу қизиқиш уни Пешку қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи, сўнгра Бухоро давлат университетида таҳсил олишга ундади. Унинг фаолиятига назар солган киши ютуқлари кўламини кўриб, ҳавас қилиши табиий. У паррандачилик мини-фабрикалари учун жуда зарур бўлган, қўл меҳнатини енгиллаштирувчи паррандаларга мўлжалланган озуқаларни қўшиб берувчи "ОРЗУ-1", "ОРЗУ-2" ускуналари яратувчиси. Шунингдек, Шерзод Раҳмонов 2013 йилда "Ёш тадбиркор — элга мададкор" республика танлови ғолиби. 2014 йилда "Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси" танловининг республика босқичида "Энг фаол ёш тадбиркор" номинацияси бўйича тақдирланди. 2015 йилда "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони соҳиби бўлиб, 2018 йилда эса "Мард ўғлон" давлат мукофотини олди. Шу йилдан буён "Ёшлар — келажагимиз" жамғармасининг Бухоро шаҳар филиали раҳбари ҳамда вилоят координатори вазифаларида ишлади. Шунингдек, "Шуҳрат-машсервис агро саҳовати "МЧЖ ва "Ҳамро Раҳмон" чорва фермер хўжалиги раҳбари лавозимларида фаолият юритди. У хонадонларда, фермер ва ёрдамчи хўжаликларда кичик паррандачилик фермаларини ташкил қилиш бўйича оммабоп қўлланма китобининг муаллифи. Шунингдек, "Ёш мутахассислар" II- Республика форуми доирасида ўтказилган «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танлови ғолиблигини ҳам қўлга киритган.

У 2014 йилги сайловда халқ депутатлари Пешку туман Кенгаши депутати сифатида сайловчилар ишончини оқлади.

2019 йил 22 декабрда бўлиб ўтган сайловда 29- Жилвон сайлов округидан Шерзод Раҳмонов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутат этиб сайланди.

— Ёшлик инсонга чексиз имконият, шижоат ва ғайрат берадиган давр. —дейди у биз билан суҳбатда. — Ана шу даврнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланган инсон катта ютуқларга эришиши тайин экан. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутат этиб сайланганим — халқ ишончи, дегани. Менга билдирилган бу ишончнинг масъулият залвори оғир. Бунга муносиб бўлиш учун янада ғайрат билан ишлашга тўғри келади.

**Шаҳло БАҚОЕВА,**
**ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши матбуот котиби.**

# ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИ

## *халқ манфаатларига хизмат қилмоқда*

**ЎзХДПнинг Бухоро шаҳар кенгаши жамоатчилик қабулхонасига келган Зулхумор Саидованинг миннатдорлик мактуби диққатимизни тортди:**

"Ўғлим Озодбек Ҳамроевни жарроҳлик йўли билан даволашга зарурат туғилсада, моддий шароитимиз оғирлиги сабабли бу ишни орқага суриб келардик. Ҳудудимиздан сайланган депутат Робия Казимова томонидан ўтган йилнинг август ойида ўтказилган сайёр қабулда оиламизни қийнаб келаётган муаммо юзасидан ёрдам сўрадим. Опа орадан кўп ўтмай, вилоят болалар касалхонасига боришимизни айтди. 2019 йилнинг 2 октябрь куни ўғлимнинг жарроҳлик операцияси муваффақиятли ўтди. Ҳар дақиқада қўнғироқ қилиб, унинг аҳволидан хабардор бўлиб тургани, инсонпарварлик ёрдам кўрсатгани учун ундан бир умр миннатдорман. Депутат опамизга раҳмат!".

— Ҳаётнинг ўз машаққатлари бор экан, — дейди **Бухоро шаҳри Жомий кўчаси 40 хонадонда яшовчи онахон Муяссар Аслонова.** — Неварам Муҳаммаджоннинг бурнини зудлик билан операция қилдириш зарур бўлиб қолди. Шифокорлар Тошкентга йўлланма беришди. Моддий жиҳатдан қийналиб турганимиз учун пойтахтга боролмадик. Шундай муаммолар гирдобида қолганимизда депутатларнинг сайёр қабули бўлиб ўтди. Мурожаат этганлар қаторида ЎзХДП Бухоро шаҳар кенгаши раиси Робия опа Казимовадан мен ҳам ёрдам сўрадим. У кишининг тавсияси билан вилоят болалар касалхонасида неварамни операция қилишди. Болажонимизнинг кундан-кунга соғаяётгани барчамизни бениҳоя хурсанд қилаётир.

— Бухоро туманида истиқомат қиламан, — дейди кекса **онахон Болтаева Ҳикматой.** — Мана, партия тавсияси билан асаб касалликлари клиникасида даволандим. Умрларидан барака топишсин, менга ўхшаган кўплаб қариялар келиб, невропатолог шифокорига кўриниб, бепул даволанмоқда. Партия ана шунақа амалий ишларни қилаётгани яхши-да, ташкилотчилар биздек кексаларнинг дуоларини олаяпти.




Дарҳақиқат, бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Муҳими, мурожаатларни ечиш орқали кенг жамоатчилик билан алоқа ўрнатилиб, аҳоли орасига кириб борилаяпти, уларнинг ишончи ортиб бораётир.

Хўш, ЎзХДП ташкилотларида ўтган йилда мазкур йўналишда қандай ишлар олиб борилди? Аҳоли мурожаатлари билан ишлашда жорий йилда яна нималарга эътибор қаратиш лозим?

— Янги йилни кутиб олар эканмиз, ўтаётган йилда амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилиб, янги режалар ҳақида ўйлаймиз, албатта, — дейди **Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси Зулфия Туйева.** — ЎзХДП вилоят кенгашининг барча даражадаги ташкилотлари йил давомида электоратимиз манфаатини ҳимоя қилиш борасида қатор амалий ишларни олиб борди. Хусусан, партиямиз маҳаллий кенгашларида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналарининг электоратни ўйлантираётган масалаларни бартараф этиш борасидаги таъсирини ошириш бўйича катта тажриба тўпладик. Ўтган йили 648 нафар фуқаро қабулхоналаримизга турли масалаларда мурожаат қилди. Уларнинг 441 таси ижобий ҳал этилди, қолганларига ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Айтиш жоизки, ҳар бир мурожаат партия фаоллари ва депутатлар томонидан пухта ўрганилиб, уларнинг аксарияти тегишли идора ва ташкилотлар ёрдамида ҳал этилди.

Мазкур мурожаатларда кўтарилган масалалар депутатлар кўмагида тегишли идора ва ташкилотлар орқали ҳал этилаётгани Жамоатчилик қабулхоналарига ишончни янада мустаҳкамламоқда.

Муҳими, электоратни ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш йўлларини барча манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда муҳокама қилиш, аввал партия гуруҳларида, вилоят, туман, шаҳар Кенгашларидаги доимий комиссияларда, зарур бўлса, сессияларда кўриб чиқиш орқали фуқаролар мурожаатлари билан ишлашни янги босқичга кўтариш мумкин.

**Ўзбекистон ХДП**
**Бухоро вилоят кенгаши**
**Ахборот хизмати.**

Жамият ва бизнес ўртасидаги ҳамкорлик

ТАЛҚИН

# ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДА

## *давлат-хусусий шериклиги механизмларининг долзарблиги*

Бозор иқтисодиёти шароитида бизнеснинг тажрибаси ва фаоллиги ҳамда хусусий молиявий жамғармаларни жалб қилмасдан туриб, биргина давлатнинг саъй-ҳаракатлари билан сезиларли натижаларга эришиш осон эмаслигини халқаро амалиёт тажрибасида кўришимиз мумкин.

Мамлакат иқтисодиётини муттасил равишда ривожлантиришга йўналтирилган стратегия ва дастурларни амалга оширишда фақат давлат бюджети маблағларидан фойдаланишни назарда тутиш мавжуд долзарб муаммоларни ҳал этишда тўлақонли ечим бўла олмайди. Бунинг учун ўзаро манфаатли ҳамкорлик самарадорлигини оширишга қаратилган давлат-хусусий шериклигининг замонавий механизмларини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Давлат-хусусий шерикчилиги – ДХШ бу нафақат иқтисодиёт соҳасида, балки илм-фан соҳаларида ҳам давлат ва бизнеснинг институционал ва ташкилий иттифоқи ҳамда уларнинг конструктив ҳамкорлигини ўзида намоён этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, давлат-хусусий шериклигини у ёки бу вазифаларни ҳал қилиш учун давлат томонидан фақат тадбиркорларнинг молиявий ресурсларини жалб этиш воситаси сифатида эмас, балки моҳиятига кўра, ижтимоий йўналтирилган бизнес ва ҳокимият ҳамкорлиги деб тушуниш мақсадга мувофиқ.

"Шерикчилик" сўзининг маъноси ҳуқуқий муносабатларнинг дастлабки одимларидан бошлаб, ҳокимият вакилларининг ДХШда хусусий бизнес билан тенг асосда иштирок этиши лозимлигини кўрсатади ва бу муносабатлар ҳеч қандай мажбурий хусусиятга эга бўлмаслиги керак.

Жаҳон амалиётида иқтисодиёт ва давлат бошқаруви соҳасида ДХШнинг асосий шакллари қуйидагилардан иборат:

– давлат ва бизнес ҳамкорлигининг ҳар қандай ўзаро манфаатли шакллари;

– давлат шартномалари;

– ижара муносабатлари;

– молиявий ижара (лизинг);

– давлат-хусусий корхоналар;

– маҳсулот тақсимотига оид битимлар;

– концессия битимлари.

Бундан ташқари, давлат мулкида шундай объектлар мавжудки, у ёки бу сабабларга кўра, уларни хусусий тармоқларга топшириш мақсадга мувофиқ эмас.

ДХШнинг асосий моделлари қуйидагилардан иборат:

— институционал модел (лойиҳаланаётган корхонанинг устав капиталида ўзаро иштирок, бошқа улушли иштирок)

— шартномавий модел (объектларни бошқариш, қуриш, ишлатиш, ижарага беришга оид шартномалар, ижара, концессия ва бошқалар.)

ДХШда қуйидагилар давлат учун ижобий омиллардир:

– давлат бюджетига юкламани камайтириш;

– давлат харажатларининг шаффофлигини ошириш;

– янги технологияларни жадал жорий этиш;

– истеъмолчиларнинг эҳтиёжларига хизматларнинг аниқ йўналтирилиши;

– молиявий сектор ривожланишини рағбатлантириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш.

Ўзбекистонда "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги 2019 йил 10 майда қабул қилинган қонун икки йилдан ортиқ вақт мобайнида олиб борилган тизимли ишларнинг натижаси бўлди. Бунга қадар, масалан, фармацевтика, йўл ҳаракати, энергетика, архитектура, мактабгача таълим ва бошқа кўплаб соҳалардаги давлат-хусусий шериклигини тартибга солувчи ўнлаб норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган эди. Мазкур қонун халқаро ҳамкорлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва БМТ Тараққиёт Дастури томонидан қўллаб-қувватлангани, унинг концепцияси ишлаб чиқилгани, жамоатчилик муҳокамасига кўмаклашгани, "Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини такомиллаштириш" номли қўшма лойиҳаси экспертлик кўмагида ишлаб чиқилганини алоҳида таъкидлаш керак.



Қонунга кўра, давлат-хусусий шериклиги – бирор лойиҳани амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришга асосланган давлат ва хусусий ҳамкорликнинг муайян муддатга қонуний расмийлаштирилишидир.

Ушбу ҳужжат қабул қилингандан сўнг, тадбиркорлар турли лойиҳаларни амалга оширишга ўзларининг ресурслари ва билимларини йўналтириш учун имкониятга эга бўлдилар. Аввало, бу турли инфратузилма лойиҳаларидир. Қонун нормалари маҳсулот тақсимотига оид битимлар ва давлат харидларига нисбатан татбиқ этилмаслигини эътиборга олиш лозим.

Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш Агентлиги ушбу соҳадаги ваколатли давлат органи деб белгиланди.

Давлат томони тендер натижалари ёки тўғридан-тўғри музокаралар натижалари бўйича белгиланадиган хусусий шерик билан ДХШ тўғрисида битим тузади. Тендерни ўтказиш мезонлари аниқ бўлиши, камситувчи қоидаларни назарда тутмаслиги керак.

Тендерда иштирок этиш учун хусусий шерик ҳуқуқ лаёқатига эга бўлиши, мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган молиявий, техник ва меҳнат ресурсларига эга бўлиши ҳамда манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлардан холи бўлиши лозим. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддати 49 йилгача деб белгиланиши мумкин.

Шундай қилиб, **Ўзбекистонда ДХШ лойиҳалари учун ҳуқуқий асос яратилди ва ҳукумат, жамият ва бизнес ҳамжамияти ўртасидаги ҳамкорликнинг янги принципи жорий этилди.** Қонун турли лойиҳаларни молиялаштиришда янги имкониятлар яратади ва Ўзбекистонга инвесторлар эътибори тушишини таъминлайди, бу эса мамлакатдаги йирик инвестиция лойиҳалари сонини кўпайтиради.

Институционал-ҳуқуқий муҳитни янада жадаллаштириш учун ДХШ шаклларини ривожлантириш бўйича ягона давлат стратегиясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ, хусусан, унда ДХШ мақсадлари, вазифалари, тамойиллари, ташкилий тузилмаси, бошқарув тизими, унинг механизм ва воситалари ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш масалаларини инобатга олиш керак.

Ушбу чора-тадбирларни амалга оширишнинг яхлитлиги ва самарадорлиги кўп жиҳатдан ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишнинг оқилона воситаси сифатида давлат ва бизнеснинг жуда фойдали ҳамкорлиги давлат-хусусий шерикчилигининг кейинги ривожланиш хусусиятини белгилайди.

**Дилором КАРАХОДЖАЕВА,**
**Тошкент давлат юридик университети Бизнес ҳуқуқи кафедраси мудири, юридик фанлари доктори, профессор,**
**Лейла БУРХАНОВА,**
**Тошкент давлат юридик университети Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси доценти, юридик фанлари номзоди.**

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

# МАҚСАДЛАРИМИЗ САРИ ДАДИЛ ОДИМЛАЙМИЗ

**Янги режалар, янги мақсадлар билан бошланган 2020 йил Ўзбекистон ХДП фаоллари ва депутатлари учун ҳам янги саҳифа очди. Партиядан сайланган депутатлар иштирокида таъсис йиғилишлари ўтказилиб, келгуси вазифалар ҳақида келишиб олинмоқда.**

Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрида ҳам ана шундай йиғилиш бўлиб ўтди. Янги сайланган депутатлар иштирокидаги депутатлик гуруҳи тузиш ва унга раҳбар тайинлаш масаласи кўриб чиқилди. Халқ депутатлари Бекобод шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи раҳбар этиб Раъно Саттарова сайланди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар олдинда турган энг асосий мақсад сайловчилар ишончини оқлаш, партия дастурий мақсадларини тарғиб қилиш ва ундаги вазифаларни амалиётга татбиқ этишдан иборат эканини таъкидлашди. Жойларда, жумладан, қишлоқ ва маҳаллаларда қонун ва қарорларнинг ижроси устидан кучли ва тизимли депутатлик назорати ўрнатиш, ижро интизомига риоя этилмаган ҳолатлар аниқланса, тегишли тартибда уларга чора кўриш бўйича таклифлар тайёрлаш ҳам устувор вазифа саналиши қайд этилди. Ҳудудлардаги ҳақиқий ҳолатни ўрганиб, қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масаласида ҳам фаоллик кўрсатиш ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Эндиликда сусткашликка асло йўл қўйиб бўлмайди. Бундай хато кечирилмайди, деди иштирокчилар. Партиянинг мақсади жамиятда ижтимоий тенглик таъминланиши учун курашишдан иборат эканига алоҳида урғу берилди.

Шунингдек, кун тартибидаги бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўзбекистон ХДП**
**Тошкент вилоят кенгаши**
**Ахборот хизмати.**

# БЕШ ТАШАББУС – БЕШ ИМКОН



**Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 63-умумий ўрта таълим мактабида «Беш ташаббус — беш имкон» шиори остида бадиий кеча ва спорт мусобақалари ўтказилди. Бошланғич таълим фан ойлиги доирасида ташкил этилган тадбирларда ота-оналар, ўқитувчилар, таниқли шоир ва ёзувчилар иштирок этди.**

– Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган бошланғич таълим фан ойлиги бу йил давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббус асосида ташкил этилди, – дейди **ўқитувчи Инобат Астанақулова.** – Бу таълим-тарбия тизимини замонавий талаблар асосида ташкил этишда, ўқувчиларни китобхонлик, ҳунар ўрганиш, замонавий IT-технологияларни ўзлаштириш ҳамда спорт билан шуғулланишга жалб этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозир барча бошланғич синф ўқитувчилари иш услубини беш ташаббус доирасида ташкил этиб, ўқувчиларини уларнинг қобилият ва салоҳиятига қараб йўналтирмоқда.

Фан ойлиги тадбирида спортчи ўқувчиларимиз ҳам ўз маҳоратларини намойиш этишди, китобсевар ёшлар таниқли болалар шоири Дилшод Ражаб билан мулоқотда бўлди. Ёд олган шеърларини ўқиб беришди. Шунингдек, тадбир иштирокчилари жажжи чеварларимизнинг каштачилик намуналари билан ҳам танишдилар.

Тадбир якунида ўқувчиларга кўкрак нишони ва эсдалик совғалари топширилди.

**Ўз мухбиримиз.**





Таъмиргача бўлган ҳолат











# КАТТАҚЎРҒОН ТУМАНИ ТАРИХИ ТАДҚИҚ ЭТИЛМОҚДА, ЎРГАНИЛМОҚДА

ИБРАТ

**Мустабид тузум даврида жамиятга даҳрийлик мафкураси зўрлаб сингдирилиб, халқни тарихий ва диний-маърифий илдизларидан узиш мақсадида Имом Бухорий, Ҳаким Термизий, Имом Термизий, Дорус-саодат каби обида ва зиёратгоҳлар атайин ташландиқ ва хароб аҳволга солинган эди. Вилоятлардаги юзлаб масжид-мадрасалар биноси кимёвий ўғитлар омборхонасига айлантирилган.**

Бироқ бундай даҳриёна сиёсат ўзбек халқининг матонатини енга олмади, иймон-эътиқодидан айирмади. Зиёратгоҳлар, қадамжолар, масжид-мадрасалар қайта таъмирланди, қадриятларимиз тикланди.

Каттақўрғон тумани Пайшанба шаҳарчасидаги Муҳаммад Амири Нақиббек мадрасаси 1791 йилда қурилган бўлиб, 1928 йилгача мадраса сифатида фаолият кўрсатган. Мадраса кириш пештоқи, айвон, масжид ва 16 та ҳужра ҳамда ҳовлидан иборат. Вақт ўтиши билан мадраса фаолиятига барҳам берилиб, омборхонага айлантирилган. Натижада мадраса нураб, емирилиб борган, ҳақиқий гўзаллигини, муҳташамлигини аста-секин йўқотган.

– Каттақўрғон буюк Ипак йўлининг асосий манзилгоҳларидан бири бўлгани тарихдан маълум, – дейди **туман ҳокими Аъзамхон Баҳромов.** – Шунинг учун бу ерда ўрганилиши лозим бўлган, ўз тадқиқини кутиб ётган тарихий қадамжолар кўп. Каттақўрғон туманида яшовчи бир гуруҳ зиёлилар ва меҳнат фахрийлари маърифатпарвар инсон Муҳаммад Амири Нақиббек томонидан бунёд этилган ана шу мадрасани тиклаш ва маърифат масканига айлантириш бўйича мурожаат билан чиққан эди. 2019 йил июль ойида мадраса базасида халқ кутубхонаси музейини очиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Самарқанд вилоят ҳокимининг 2019 йил 10 сентябрдаги фармойишига асосан Муҳаммад Амири Нақиббек номидаги тарихий мерос обидаси негизида кутубхона ва ўлкашунослик музейини ташкил этиш мақсадида таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш учун вилоят ҳокимлиги маҳаллий бюджетидан 300 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилиб, барча ишлар якунига етказилди.

Ислом оламида машҳур зиёратгоҳлардан яна бири – **ҳижрий 460 – 552, милодий 1067 – 1159 йилларда Каттақўрғон тумани Андоқсой қишлоғида яшаб ўтган Хожа Абул Ҳасан Андоқий зиёратгоҳи ҳисобланади.** Ўз даврининг авлиёси саналмиш Юсуф Ҳамадонийга иккинчи халифа даражасига кўтарилган Хожа Абул Ҳасан Андоқий Бухорода таҳсил олган илми толиблардан бўлган экан. Ул зот машҳур фиқҳ олими Абулкарим ибн Ҳанифа Андоқийнинг невараси. Бу Фахриддин Али Сафийнинг "Рашаҳот ул-айнул ҳаёт" асарида келтирилган. Бугунги кунда Самарқанд давлат университети профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Муслиҳиддин Муҳиддинов раҳбарлигида бир гуруҳ олимларимиз ана шу зот ҳаёти ва ижоди устида илмий тадқиқот ишларини олиб боришмоқда. Хўжа Абул Ҳасан Андоқий Юсуф Ҳамадонийнинг Аҳмад Яссавий, Абдухолиқ Ғиждувоний сингари шуҳратли шогирдларидан бўлган. Ўтган даврда зиёратгоҳ атрофи тош билан айлантирилган хароба ҳолатда бўлган. 1995 йилдан 2015 йилгача Андоқ қишлоғи фуқаролари томонидан ҳашар йўли билан обод қилиниб мақбара қурилган. Худо хоҳласа, бу зиёратгоҳни ҳам қайта таъмирлаб, Муҳаммад Амири Нақиббек мадрасаси сингари обод қадамжолардан бирига айлантирамиз.

– Муҳаммад Амири Нақиббек халқ кутубхона-музейи нафақат каттақўрғонликларнинг, балки вилоятимизга, туманимизга ташриф буюраётганларнинг ҳам севимли масканига айланишига ишонаман, – дейди **мазкур маданий мерос обидасини тиклаш бўйича жонкуяр ташкилотчилардан бири Илҳом Файзиев.** – Самарқанд вилоят ахборот-кутубхона маркази томонидан ташкил этилган кутубхона учун 5 та хона ва 1 та ўқув зали учун жой, 20 мингта адабиётлар ажратилди. Янги адабиётлар тақдимотларини ўтказиб бориш, турли маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш, нодир ва кам нусхадаги китобларнинг электрон шаклларини яратиш, кутубхона-музей қошида "Электрон хизмати"ни ташкил этиш, кутубхонани тегишли адабиётлар ҳамда қўлланмалар билан мунтазам бойитиб бориш каби ишлар амалга оширилаяпти.

Ҳозир музей-кутубхона фондида тарихнинг турли даврларига тегишли жами 3 мингдан ортиқ турли хил ашёлар мавжуд. Бу ёшларимизнинг тарихимизни, аждодларимиз турмуш тарзини янада яхшироқ ўрганишига хизмат қилади.

Бугун Каттақўрғон тумани тарихини ўрганиш, зиёратгоҳларни аниқлаш, тадқиқ этиш бўйича Самарқанд давлат университети олимлари билан ҳамкорлик лойиҳалари илгари сурилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар тез орада ўзининг ижобий натижасини беришига ишонамиз.

**Нуруллоҳ ДОСТОН,**
**"Ўзбекистон овози" мухбири.**

# ЯНГИ ЙИЛ ЯНГИ РЕЖАЛАР БИЛАН БОШЛАНДИ

**ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгашида ҳам ана шундай таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партия ташкилотларида фаолият олиб бораётган масъуллар, фаоллар ҳамда янги сайланган депутатлар иштирок этди. Кун тартибидаги асосий масала депутатлар орасидан гуруҳ раҳбарини сайлаш ҳамда сайловолди дастури ижросини таъминлаш чора-тадбирлари муҳокамасига бағишланди.**

Семинарда партия фаолияти самарадорлиги, кадрлар малакаси, иш тажрибасини ошириш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш, амалий кўникмаларини ривожлантириш борасида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шунингдек, депутатлар гуруҳи раҳбарини сайлаш, мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимини ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари, сайлов кампанияси натижалари, Сайловолди дастури ижроси хусусида маърузалар қилинди.

Депутатлик сўрови даврида масалаларни атрофлича ўрганиш ва муҳокама қилиш лозимлиги қайд этилди. Жойлардаги турли масала ва муаммолар ечимини топиш ва кўмаклашиш билан боғлиқ ишларни давлат ташкилотлари билан биргаликда амалга ошириш иштирокини кучайтириш муҳим масала экани айтиб ўтилди.

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашига Ўзбекистон ХДПдан сайланган депутатлар гуруҳи раҳбари этиб Каттақўрғон туманидаги 20-мактаб директори Зайнаб Бердиева сайланди.

Семинарда мавзулар эркин суҳбат, мунозара шаклида тушунтирилди. Иштирокчилар бир-бири билан баҳсли мулоқотга киришишди, долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларда фикр алмашиб, таклифлар билдирилди.

**Ўзбекистон ХДП**
**Самарқанд вилоят кенгаши**
**Ахборот хизмати**

# АЙБЛОВ ХУЛОСАСИ ВА ҲУКМДАГИ ДАЛИЛЛАР ҚАНЧАЛИК ҚОНУНИЙ?

*Муҳаррам Нуралиева ва унинг қизи Шаҳноза ёзган мазмунан эгизак аризалар билан бир неча фуқаро бир хил жазога тортилгани хусусидаги мулоҳазалар*

**Мамлакатимизда сўнгги уч йил мобайнида суд ҳокимияти нуфузини ошириш, уни ўтмишдаги жазоловчи органдан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилувчи мустақил институтга айлантириш борасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди.**

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш йўлида яратилаётган қонуний асослар, кўрилган амалий чора-тадбирлар мазкур соҳадаги давлат сиёсатини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди. Бир сўз билан айтганда, суд ҳокимиятининг фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги роли тубдан оширилди. Жумладан, кейинги 3 йилда Олий суд томонидан дастлабки тергов ва қуйи суд томонидан йўл қўйилган хато – камчиликлар бартараф этилиб, қанчалаб фуқаролар оқланди, минглаб маҳкумлар жазодан озод этилди, кўпларининг жазоси енгиллаштирилди.

Сўнгги йилларда инсонпарварлик тамойиллари асосида Президентимизнинг жиноят содир этганларни афв этиш бўйича 8 та фармони қабул қилиниб, 4 мингдан зиёд шахс жазони ўташ жойларидан озод қилинди.

Конституциямиз байрами арафасида Давлатимиз раҳбари инсонпарварлик сиёсатининг ёрқин намунаси сифатида яна бир Фармонга имзо чекди. Унга кўра, жиноий қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган 92 нафар маҳкум афв этилди.

Бироқ таҳририятимизга келаётган мактублар орасида ҳуқуқ-тартибот идоралари қарорларидан норозиликлар ҳамон учраб турибди. Тўғри, шикоятларнинг ҳаммасини ҳам асосли, деб бўлмайди. Лекин кишини ўйлантираётган ҳолатлар йўқ эмас. **Тошкент шаҳар Яккасарой туманида яшовчи Ҳадича Алибоева «ёрдам беринглар, бефарқ бўлманглар, ўғлим ноҳақ қамалди»** – деб ёзади.

Маълум бўлишича, Тошкент вилоят прокурори ёрдамчиси лавозимида ишлаб келган Собит Абиддинович Алибоев Ўз.Рес. ЖКнинг 25 ва 168-моддалари 4-қисми, "а" банди ва 28 ва 211-моддалари 3-қисми "а" банди билан айбли деб топилиб, 10 йилу 6 ойга озодликдан маҳрум қилинган.

Айбловнинг асосий мазмуни қуйидагича: Собит Алибоев Тошкент вилояти прокурорининг ёрдамчиси лавозимида ишлаб келиб, аризачилар – М.Нуралиева ва унинг қизи Ш.Хаджиакбароваларнинг ЖИБ Тошкент шаҳар судининг уларга нисбатан 2009 йил 22 декабрдаги ҳукми билан тайинланган 8 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққанидан сўнг уларга оқлов ҳукми чиқарилишига ва "Дон-нон" МЧЖдаги улушларини тиклаб беришни ваъда қилиб, эвазига 50.000 АҚШ доллари беришни сўраган. 2018 йил 1 июнь куни соат 23:50 да Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Ш.Рашидов кўчасидаги кўп қаватли уйнинг олдида "Нексия" русумли автоуловида М.Нуралиева ва Ш.Ходжиакбаровадан пулни олган вақтида ашёвий далиллар билан жиноят устида ушланган.

Иш юзасидан адвокат Ҳайитмурод Келдиёровнинг фикрича, дастлабки тергов ва суд томонидан Собит Алибоевга нисбатан қонун нормалари ва ЖПКнинг талаблари қўпол равишда бузилган ҳолда жазо тайинланган ҳамда унга нисбатан жиноят иши ЖПКнинг 83-моддасига асосан тугатилиши керак.

ЖПКнинг 22-моддасига асосан иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши шарт. Ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги талаб этилади.

Тергов материалларида эса бу талабларга зид ҳолатлар кўп учрайди. Иш ҳужжатларидан кўринишича, М.Нуралиева ўзининг ташаббуси билан аввалдан номаълум ҳолатларда ва аниқланмаган мосламалардан фойдаланган ҳолда С.Алибоев билан бўлган суҳбатни СД дискга ёзиб, 2018 йил 25 март куни ДХХ Тошкент вилояти бошқармасига тақдим этган. Дастлабки тергов ва суд ушбу СД дискни ва ундаги аудио ёзувни далил, деб баҳолагани қай даражада қонунийлигига оддий юрист ҳам баҳо бера олади.

М.Нуралиева С.Алибоевнинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари юзасидан 2018 йил 25 март куни ариза билан мурожаат қилган. Лекин мазкур мурожаат 2018 йил 1 июнига қадар текширилмаган. Шу ҳолатнинг ўзи шубҳали эмасми, кишида қатор саволларни уйғотмайдими?..

2018 йил 1 июнь куни ўтказилган тадбир юзасидан диктафонга ёзиб олинган ва стенограмма қилинган сўзлашувда С.Алибоев томонидан пул маблағлари берилиши ҳақида сўраганлиги аниқланмаган.

ДХХ Тошкент вилоят бошқармасининг 2018 йил 1 июнь кунидаги алоқа хати билан М.Нуралиеваларнинг аризалари ва тўпланган ҳужжатлар, тадбир видео ёзувлари ва 50.000 АҚШ доллари юборилган. Бош прокуратура томонидан 1 июнь санаси билан қабул қилиб олинган ва 1 июнь санаси билан терговчига йўналтирилган. Ваҳоланки, С.Алибоев тезкор тадбир орқали 2018 йил 2 июнь куни қўлга олинган.?!

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги 24-сонли "Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарорининг 10-бандида жиноят тўғрисида ариза, хабар билан тақдим этилган ҳужжатлар, предметлар, аудио, видео ёзувлар фақат ушбу материлларни тақдим этган шахслар иш қўзғатилгандан кейин сўроқ қилинган ва тақдим этилган предметлар ким томонидан қаерда, қандай ҳолатларда топилганлиги ёки фотосурат, аудио, видео ёзувлар амалга оширилганлиги аниқ-



ланган ҳолдагина мақбул далил сифатида фойдаланилиши мумкинлиги қайд қилинган.

Аммо иш ҳужжатларига кўра, С.Алибоевнинг пул беришни таклиф қилган ҳолати фақатгина М.Нуралиеванинг 2018 йил 25 мартдаги аризасига илова қилинган номаълум мосламага ёзиб олинган СД дискдаги аудио ёзувни эшитиб кўриш ва стенограмма қилиш баённомасида кўрсатилган. Аммо ўша СД дискдаги ёзув ким томонидан, қачон, қандай мосламада ёзиб олинганлиги маълум эмас. Пленум қарори тушунтиришларига кўра, далил тегишли субъект томонидан, уни олиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатни ўтказишга ваколатли мансабдор шахс томонидан олинмаган бўлса, далил деб эътироф этилиши мумкин эмас.

Шундай экан, бу тадбирни мақбул далил, деб ҳисоблаб бўлмайди ва далиллар мақбуллиги мажмуидан чиқарилиши ҳамда жиноят иши тугатилиши шарт.

Яна бир масала — она-бола Нуралиеваларнинг шахси, хатти-ҳаракатлари жиддий эътибор ва холис, принципиал юридик баҳони талаб этади. Уларнинг Собит Алибоевга нисбатан берган кўргазмаларидек яъни ўзларининг оқланишлари ва мулкларини қайтариб олишлари эвазига пул беришни, таклиф қилиш асосида 2017 йилда А.Юлдашева ва унинг укаси Ғ.Юлдашев, 2018 йилда Андижон вилоят ҳўжалик суди раисининг ўринбосари А.Абдуллаев, фуқаролар А.Ҳакимов, Х.Турсунов ҳамда 2018 йилда М.Муталовалар ҳам жиноий жавобгарликка тортилишган, – дея фикрини давом эттиради адвокат. – Тадбир ўтказилишида LF 90305370 G рақамли 100 АҚШ доллари купюрали муляж (қалбаки) пуллардан одамларни ушлашда қайта-қайта фойдаланилганлиги ажабланарлидир. Шу билан бирга, тадбир давомида олинган далилий ашёлар конвертларга солинган бўлиб, конвертлар С.Алибоев томонидан имзоланмаган.

Бундан ташқари, тадбир ўтказилиши ва унга тайёргарлик кўриш жараёнида тузилган баённомаларда кўрсатилган вақтларнинг бир-бирига тўғри келмаслиги ҳам мақбул далил эмаслигидан далолатдир. Бунинг устига С.Алибоев пулни олмаган. Нуралиева уни машина орқа ўриндиғида қолдириб тушиб кетади. Ўша куни ярим кечаси айнан у Алибоевни зарур гапи борлигини айтиб, учрашувга чақирган эди.

— Она-болалар бир неча йиллардан бери орган ходимлари билан ҳамкорликда тил бириктириб, менга ўхшаганларнинг ҳаётини издан чиқармоқда, – дейди **уларнинг кўргазмаси билан судланганлардан яна бири Муҳайё Муталова.** – Улар менга ўхшаш содда ва ишонувчан инсонларга катта миқдордаги пулларни қарзга бериб туришлари мумкинлиги ҳақида ваъда бериб, сўнг қамалишига сабабчи бўлишмоқда.

Она-бола Нуралиевалар бир неча марта оғир жиноятларни содир этганлиги учун узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилган.

Мен, Муҳайё Муталова ҳам алдовларга учиб, жиноий жавобгарликка тортилганлардан бириман. 2017 йил 27 апрель куни мени оғир жиноятни содир этганликда гумонланувчи тариқасида ушлашди. Жиноят иши бошидан охиригача фальсификация қилинган.

Менга нисбатан қўзғатилган сохта жиноят иши 2018 йил 8 январда ЖИБ Тошкент шаҳар, Чилонзор туман судида кўриб чиқилди. Судья Валиев Д.У. томонидан менга нисбатан Ўз.Рес. ЖКнинг 25-168 моддаси, 4-қисми, «а» банди ва 28-211 моддаси, 3-қисми, «а» бандлари билан асоссиз ҳукм чиқарилди.

ЖИБ Тошкент шаҳар кассация судида эса иш яна бир томонлама кўриб чиқилиб, ҳукм ўз кучида қолдирилди.

Тошкент шаҳар прокурори ҳукмга нисбатан келтирган протестида ЖПКнинг 484-моддасига кўра, ҳукмда баён қилинган суд хулосалари ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ эмаслиги, ушбу Кодекс нормаларининг жиддий бузилганлиги, Жиноят кодекси нормаларининг нотўғри қўлланилганлиги суд қарорларини бекор қилиш учун асос бўлиши кўрсатилган. Аммо ЖИБ Тошкент шаҳар кассация судида эса, ҳукм ўз кучида қолдирилди.

Менга нисбатан қўзғатилган жиноят ишида ёзилган барча айбловлар мутлақо нотўғри.

Аризачи Нуралиева М. ва Ходжиакбарова Ш. барча жиноят ишларида жабрланувчи эмас, балки гувоҳ тариқасида қатнашишади. Нима учун судья Валиев Д. уларни ҳукмда «жабрланувчи», деб ёзаяпти? Ахир пуллар — муляж, яъни сувенир бўлса, она-бола ҳеч қандай жабр кўрмаяптику. Вояга етмаган фарзандим билан жабр кўраётган аслида **менман** ва бошқа фуқаролар-ку.

Мен ҳеч кимга ва давлатга моддий ёки маънавий зарар етказганим йўқ ва ҳеч кимнинг бир сўм пулини алдаб еб кетмадим, мени ўта оғир жиноятда айблашларига асос қани?

Мен Хожиакборова Шаҳнозадан қарзга пул олишга келишганмиз. Қарз олаётганлигим ҳақидаги тилхатга Шаҳноза ва ёнидаги ўртоғи Ходжаева Дилором рози бўлиб, имзо қўйишган-ку. Қандай қилиб мен уларни алдаган бўламан?

Нима учун мени фирибгарликда, пора беришга далолатчиликда айблашди? Гўёки мен она-бола содир этган жиноятлар бўйича суддаги танишларим орқали оқлов чиқаришга ваъда берган эмишман. Аслида менинг қўлимдан шу иш келадими? Судни умуман тушунмас эдим. БироРта танишим ҳам судларда ишламайди. Кейин билсам, бу она-бола бошқаларга худди шундай сохта, даъволар қилиб қаматган.

Агарда тилхат асосида қарзга пул олиб, вақтида қайтариб берилмаса, бундай ишлар жиноят ишлари бўйича эмас балки, фуқаролик ишлари бўйича судларда кўриб чиқилади. Нега бу ишни жиноят суди кўряпти? Эҳтимол кимдир судга босим ўтказгандир?

Шаҳноза билан тергов пайтида юзлаштиришганда, мен ундан нима учун менинг устимдан ариза ёзганлигини сўраганимда, илтимосларини қилмаслигимни аниқ билгач, ариза ёзганлигини айтди. Яна,«Нодира билан сен ойимни устиларидан кулиб, масхара қилиб ҳайдаганларинг ҳамда Фарҳод билан тиллаcринг бир эканлиги учун ёздим", деди. **Шаҳноза мени ҳам ҳоли-жонимга қўймай учрашувга чақирди. Умрага кетган аммасининг пулини қарзга бериб туришини айтди. Менга вақтинчалик пул зарур бўлиб қолганини у биларди.**

Шаҳнозанинг шу гапларидан кейин ҳам нима учун терговчи менга нисбатан ЖКнинг 211-моддасини олиб ташламади? .

Улар мендан нимани илтимос қилишганди? Муҳаррам Нуралиева менга бир неча бор Олий суд раҳбарлари, судьялари, давлат идораларидаги мансабдор шахсларни пора олаётган шахс сифатида ушланишига ёрдам беришимни, керак бўлса улар билан «жинсий алоқада» бўлиб, шантаж қилишимни таклиф қилган.

Мен бундай ишларни қилишни ор, оғир гуноҳ, деб биламан. Шунинг учун ҳам мен уларнинг ўта пасткаш, тубан ишидан ҳазар қилдим, ҳеч кимга ёмонлик қилмадим, улар айтганидек, ҳеч кимни шантаж йўли билан қармоққа туширмадим. Бундай қабиҳлик қўлимдан келмайди. Бу ҳақида олдинлари ҳам ўз аризаларимда ёзганман.

Мен М.Нуралиевага бундай ёвуз ниятдаги ишларни қилмасликка ва оқибати ёмонликка олиб келишини тушунтирганман. Кейинчалик бошимга тушган савдолардан билдимки, одамларни «овлаш» уларнинг доимий касбига айланиб қолган экан.

Нуралиеваларнинг бундай ҳатти-ҳаракатлари остида ўзларининг шахсий манфаатлари ётибди, албатта! Бўлмаса, бу она-болага зарилми, шунча судма-суд, терговма-тергов юриб. Бунинг учун маблағ, вақт керак.

Мана, икки ярим йилдирки, туҳмат балосидан қутулиш учун югуриб юрибман. Бу саҳналаштирилган жиноят иши жуда ҳам машҳур бўлиб кетиб, уни бутун дунёдаги ҳамма дўстларим, қариндошларим, адвокатлар, судьялар, кўплаб юристлар билишади.

Нуралиеваларнинг ижтимоий келиб чиқишига назар ташлайлик. Улар бир неча маротаба ўта оғир моддалар билан, такроран жиноий жавобгарликларга тортилиб, узоқ муддатларда қамоқ жазоларини ўтаган.

**Она-бола Нуралиевалар илгари қайта ва қайта Ўз.Рес.Жкнинг 165-моддаси — товламачилик,**

**166-моддаси — талончилик, яъни ўзганинг мулкини очиқдан-очиқ талон-торож қилиш,**

**167-моддаси — ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш,**

**209-моддаси — мансаб сохтакорлиги,**

**210-моддаси — пора олиш,**

**227-моддаси — ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни эгаллаш, нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш ёки уларни яшириш,**

**228-моддаси — сохта ҳужжатларни тайёрлаб сотиш ёки улардан фойдаланиш,**

**233-моддаси — банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш каби жиноятлари учун жазоланишган.**

Нуралиеваларнинг сохта аризалари, махсус уюштирилган фитналари оқибатида (ҳукмларда улар ҳеч қандай жабр кўрмасаларда "жабрланувчи" бўлиб ўтадилар) қуйидаги фуқаролар қамоққа олинган.

1. Алибоев Собит, оилали, 4 нафар фарзанди бор,

2. Абдуллаев Анвар Азимович, оилали, 3 нафар фарзанди бор.

3. Турсунов Холназар, оилали, 2 нафар фарзанди бор.

4. Ҳакимов Азиз Олимович, оилали, 2 нафар фарзанди бор.

5. Юлдашева Анора Маннабовна, оилали, 4 нафар фарзанди бор.

6. Юлдашев Ғайрат Маннабович, оилали, 4 нафар фарзанди бор.

7. Муталова Муҳайё Рихсибаевна, 1 нафар фарзанди бор.

Уларнинг барчаси она-бола Нуралиеваларнинг аризалари асосида ушланган, жавобгарликка тортилган. Судланганларнинг барчаси ЖКнинг 168-моддасининг турли бандлари билан айбланган.

Булар билганларимиз, билмаганларимиз қанча?

Она-бола Нуралиевалар масъул лавозимларда ишловчи ёки ўзига тўқ одамлар билан танишиб, улар ишончига кириб олгач, фитна уюштириш йўлларини ўйлаб топишади ва ҳуқуқ-тартибот идораларидаги танишларига айтишади.

Фитна уюштириш услуби бир хил, айбловлар бир хил, жабрланувчи — аризачилар бир хил, холислар бир хил, «операция» иштирокчилари ҳам... Бу нимадан дарак беради? Қачонгача совет замонидан қолган бу услуб яшайди? Қачонгача одамларни бадном қилади?

Агар ЖПКнинг 82-моддаси талаби бўйича "жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар"га ҳуқуқий баҳо берилганида эди, аризачилар М.Нуралиева ва Ш.Ходжиакбароваларнинг даъвоси қанчалик асосли ёки асоссизлиги маълум бўларди.

Дастлабки тергов ва суд С.Алибоевнинг ўз қилмишидан пушаймонлик тўғрисидаги аризаси билан мурожаат қилганлиги билан унинг айби тўлиқ ўз исботини топади, деган асосий далилга тўхталсак. Собит Алибоевга қамоқ эҳтиёт чорасини белгилаш тўғрисидаги суднинг 2018 йил 3 июндаги ажримида С.Алибоев ЖИЭББ 1-сонли тергов ҳибсхонасига жойлаштирилсин, деб қатъий кўрсатилган бўлса-да, у масъул мансабдор шахслар томонидан ўзбошимчалик билан ИИВнинг подвалидаги вақтинчалик сақлаш ҳибсхонасида 97 кун ушлаб турилганлиги ЖПК 244-моддасининг тўғридан-тўғри бузилишидир.

Агар дастлабки тергов ва суд келтириб ўтган барча далиллар ҳаққоний ва қонуний бўлиб, сценарий асосида ташкил қилинмаган бўлса, нима зарурат бор эдики, С.Алибоевни ВСҲда 97 кун ушлаб туришга ва унга турли хилдаги тазйиқлар ўтказишга ҳамда пушаймонлик аризасини ёздиришга мажбур қилинишига? Бу билан ЖПКнинг 113-моддаси талабига амал қилинмаган.

Дастлабки тергов томонидан 97 кун давомида ИИВ ВСҲсида Собит Алибоевнинг ҳимоячилари билан холи учрашишига рухсат берилмаганлигини қандай тушуниш керак? Президент Фармони, Олий суд Пленуми қарори ва ЖПКнинг $95^1$-моддаси талабларига итоат қилинмай номигагина сўроқда адвокат қатнашган. Шундай қилиб, С.Алибоев ҳимоя ҳуқуқидан маҳрум қилинган.

Апелляция судида ҳимоя томонидан юқорида келтирилган важлар бўйича илтимоснома киритилиб, далилларни номақбул деб топиш ва унга йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан хизмат текшируви тайинлаш тўғрисидаги мурожаатлари текширилмасдан, уларга ҳуқуқий баҳо берилмасдан қолиб кетди.

— Одил судловни амалга оширишда 2016 йилгача дастлабки тергов ва судлар томонидан далилларнинг мақбуллиги ва процессуал қонун нормаларининг бузилишларига эътибор қаратилмаслиги сабабли жуда кўп шахслар ноҳақ судланиб кетганликларини инобатга олиб, Президентимиз томонидан 2017 йил 30 ноябрда "Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони қабул қилинди. Президент фармони ижро қилинишини таъминлаш мақсадида ЖПКга ўзгартириш киритилиб, Олий суд томонидан 2018 йил 24 августда далиллар мақбуллигига оид 24-сонли қарор қабул қилинган эди,-дея фикрини давом эттиради адвокат.

Юқорида келтирилган аргументлар бўйича республикамиздаги жиноят ҳуқуқи билан шуғулланадиган институтлар, судлар ва тергов органлари ўз муносабатини билдиради, деган фикрдамиз.

Охир-оқибатда ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2019 йил 10 январдаги ҳукми ва ЖИБ Сирдарё вилоят суди апелляция судлов ҳайъатининг ажримига кўра, Собит Алибоев айбдор деб топилиб, 10 йилу 6 ойга озодликдан маҳрум қилинган.

Яқин ўтмишда асоссиз ҳамда кимларнинггдир туҳмати билан қанчадан-қанча фуқаролар ноҳақ жабр чеккани, адолатсизликка учраганидан кўз юмиб бўлмайди.

Бир пайтлар одамни қамаш осон эди. Кимнингдир кўргазмаси ёки кимнингдир буюртмаси билан унча-мунча одамни қамоққа ташлаш оддий ҳол эди. Бугун замон ҳам, талаб ҳам ўзгардику. Бугунги кунда суд мустақиллигига, Олий суднинг адолат қалқони эканига одамлар ишончи ортиб бормоқда. Собит Алибоев ва Муҳайё Муталова ишлари ҳам кимнингдир манфаатини ўйлаб эмас, балки қонун талаблари, адолат, одиллик тамойиллари асосида кўриб чиқилади, деган умиддамиз.

**Равшан ШОДИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# БОЙЛИК

***Фарзанд учун ота-она ўрнини ҳеч ким, ҳеч нарса боса олмайди.***

**Олти ёшга тўлиб, энди еттига қадам қўйган жамалаксоч Дилдора ҳар кунгидек дадасини ишга кузатаркан, «яхши бориб келинг, дада», — деб кузатиб, ҳовли саҳнидаги чорпояга чиқиб, хонтахтанинг бир четида ўтирди. Чойнакдан чой қуйиб, бир тишлам нон еган бўлди.**

Қуймоқ егиси келди ва бир вақтлар аяси ширин қуймоқлар тайёрлаб берганини элас-элас эслади. Сўнг аяси ёдига тушди, кўнгли бузилди, лекин унинг юзини кўз олдига келтиролмай, ҳиққиллаб йиғлашга тушди.

Йиғи асносида, аяси ва дадаси гап талашиб уришиб қолганини, аяси укаси Дилшодни кўтариб онасининг уйига, кейинчалик ишлагани узо-о-ққа кетиб қолгани ҳақида бувиси билан адасининг гапидан эшитгани ёдига тушди. Шу пайт хаёлини, очиқ айвон шифтига вижирлаб учиб- қўнаётган қалдирғочлар бўлди.

Дилдора қалдирғочларга маҳлиё бўлиб термулиб қолди... Қалдирғоч бўлиш қандай яхши-я, қанотинг бўлади, хоҳлаган жойингга учиб бораоласан, — деб ўй сурди.

... Сўнг, кўзларини юмиб, хаёлан қалдирғочга айланди ва кўкка парвоз қилди. Баланд осмонда узоқ-узоқларга учди, қишлоқлар, шаҳар устидан ўтиб, аясини қидира бошлади...

Ичкаридан чиқиб келган бувисининг «Дилдора, қаердасан она қизим» — деган овозидан, Дилдора чўчиб тушди.

Буни кўрган буви: — Вой чўчитиб юбордимми, жоним болам, — дея набирасини қучоқлаб, елкасини силаб-сийпалаб эркалай кетди.

Дилдора эса қалдирғочлардан кўзини узолмас, уларга тикилган куйи кўнглидан шундай сўзлар ўтарди: Қанийди қалдирғоч бўлсам, учиб кетсам, аяжонимни топиб келсам...

Ёши етмишни қоралаб, қулоғи ҳам оғирлашиб қолган буви набирасининг гапини эшитмай қолгани сабаб «бир нима дедингми қизим?», деб сўрар бўлди.

Дилдора: — Аямни соғиндим, аям нега келмаяпти, — деб йиғлаб юборди.

*Буни кутмаган буви жонсараклик билан: — Жон қизим, йиғлама, мана мен йиғласам бўлади, менинг энам энди ҳеч қачон келмайди, чин дунёга кетиб қолган. Менам сенга ўхшаб энамнинг меҳрига қонмаганман, тўрт ёшимда энамдан ажраб қолганман, болам. Сенинг аянг эса келади, албатта келади... йиғлама болам...*

Буви кечгача бетоқат бўлиб ўғлини кутди. Ишдан хомуш уйга кириб келган ўғли овқатланиб бўлишини кутди. Кейин, эрталаб набираси аямни соғиндим, деб йиғлаганлигини айтиб, *«Болам, келин билан хабарлаш, қайтсин. Ярашиб яшанглар, болаларингни ўзларинг катта қилинглар»*, — деди.

Табиатан оғир-вазмин ўғил бир оз сукутдан сўнг «Хўп, она», — деб қўйди ва чойнакдаги совуган чойдан қуйиб ичиб, ўрнидан турди. «Она, мен ҳозир келаман, сиз дам олаверинг» — деб қўйиб, қўшни маҳаллада яшовчи қайнонасиникига йўл олди.

Қайнонаси «келинг-ча, келинг болам», — деб яхши кутиб олди, ҳол-аҳвол сўрашган бўлишди. Чорпояга омонат ўтирган куёв ҳовлига назар ташлаб, ўғлини қидирган бўлди. Буни сезган қайнонаси, Дилшоджон кеб қолади, болалар билан қўшнинникига ўйнагани чиққанди, — деб қўйди. Шу билан гап узилиб, ҳар иккиси жим бўлиб қолди...

Бироз ўтиб, ўғлининг ўйи тилига кўчиб, «қизингиздан хабар борми?», — деб сўрар бўлди.

Қайнона: — қизим тушмагур кеб қолар, ҳар телефон қилганида қайтиб кел, деб айтаяпман. Телефон қилса, яна айтаман...

Сўнг қизини оқлагандай бўлиб, қўшимча қилди: — қизимнинг бошини айлантириб, бошлаб кетган дугонасини ҳам уришдим, қайтариб жўнат, деб...

Шу аснода эшикдан кириб келган беш ёшли Дилшод югургилаб, ўзини дадаси қучоғига отди ва маҳкам қучоқлаган куйи туриб қолди, сўнг: — Об кетинг, уйга бораман, деб йиғламсиради.

Куёв қайнонага қараб, йўқ демасангиз, олиб кетай, опаси ҳам соғинган, — деди. Қайнонаси розилик билдирди.

Ҳовлига кириб келишгач, Дилшод ўзини бувисининг қучоғига отди. Уйдан уйқисираб чиқиб келган Дилдора укасини кўриб, бир зум лол бўлиб турди ва кейин «Дилшод — укажон» — дея унга талпинди ва укасини қучоқлаб йиғлаб юборди. Сўнг, — Аям қани Дилшод, аям ҳам келмадими?, — деб сўрай бошлади, кўзлари жовдираб дадасига қаради. Буни кўриб турган бувининг кўзлари ёшланди... Болаларига қараб отанинг бағри эзилди. Оғир хўрсиниб, хаёлга чўмиб қолди.

... Орадан ўн кунча вақт ўтиб, оиладаги арзимас етишмовчилик сабаб эри билан айтишиб, онасининг уйига кетган, кейин дугонасининг гапига кириб, катта пул топиш ниятида ўзга юртга кетган, она мўлтираб уйига кириб келди.

Болаларини бағрига босиб, кўзларидан дув-дув ёш қуйилди. — Мен адашдим, мен излаган бойлик Сизлар эканлигингизни тушундим, мени кечиринглар, — деб ер чизган бўлди. Болалари унинг бўйнидан маҳкам қучоқлаб йиғлашарди... Айвондан қалдирғочлар ҳам вижирлаб, болаларига парвона эди...

**Холмўмин ЁДГОРОВ,**
**ҳуқуқшунос**

# АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

## *жамият ва шахс учун нима беради?*



Жаҳон амалиётида аҳолини рўйхатга олиш муҳим чора-тадбилардан бири ҳисобланади. Уни ўтказиш мамлакатда истиқомат қилаётган фуқаролар, хорижий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва уларнинг уй-жойлари ҳақида тўлиқ маълумотлар жамлашни кўзда тутади. Бундай тадбирни амалга ошириш кенг кўламли иш бўлиб, қолаверса, ҳам маблағ, ҳам малакали инсон ресурсларини талаб этади. Шу боис унга тараддуд бир неча йил олдиндан бошланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 фералдаги фармонига биноан мамлакатимизда ҳам 2022 йилда аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш ишлари ўтказилади. Қайд этиш жоиз, мазкур тадбир Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2015 йил 10 июндаги махсус резолюциясига асосан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти директори ўринбосари, иқтисод фанлари доктори, профессор Низомиддин Ҳайдаров билан суҳбатда аҳолини рўйхатдан ўтказишнинг тарихи, мақсад-моҳияти, юртимизда бу борада ўтадиган тадбирнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўз боради.

**– Низомиддин Ҳамроевич, аҳолини рўйхатга олишнинг объектив зарурати нимада?**

– Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 5 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармони асосида ташкил этиладиган мазкур тадбир тизимли ва яхлит давлат статистика кузатуви остида бўлиб, ундан кўзланган бош мақсад айни пайтда мамлакатда истиқомат қилаётган аҳолининг реал сони ва таркиби ҳақидаги маълумотлар мажмуасини шакллантиришдан иборат. Жамланган маълумотлар асосида бутун жамият ва унинг марказий ўзаги бўлган давлатнинг қисқа, ўрта ва узоқ муддатли стратегик режаларини қабул қилишга замин яратилади. Хусусан, ижтимоий-иқтисодий, демографик, ҳаттоки, ҳар бир вилоят, шаҳар ва туман бюджетлари даромад манбаларининг прогноз кўрсаткичлари ҳам қамраб олинишига имконият яратилади. Рўйхатга олиш натижаларига таяниб, қаерда ва қанча янги мактаб, мактабгача таълим муассасалари, шифохоналар учун бинолар, кадрларни тайёрлаш, уй-жойлар қуриш, шунингдек, қаердан янги таранспорт йўналишларини белгилаш каби муҳим масалаларга ойдинлик киритиш мумкин бўлади.

**– Аҳолини рўйхатга олиш дунё мамлакатларида қачондан бошланган, бизнинг ўлкамизда-чи?**

– Тарихий манбаларга кўра, аҳолини рўйхатга олиш жараёни қадимий даврларга бориб тақалади. Аниқроғи, давлатчилик шаклланиши билан аҳолини ўз даврига мос равишда рўйхатга олиш жараёни бошланган. Дастлаб қадимги Мисрда, Афинада, Римда ва Хитойда шаклланган, кейинчалик Европа мамлакатларида ҳам йўлга қўйилган.

Ўлкамиз аҳолиси ана шундай чора-тадбирларда 9 маротаба иштирок этган. Бу – 1897, 1920, 1926, 1937, 1939, 1959, 1970, 1979 ва 1989 йилларни қамраб олади. Тарихий маълумотларга қараганда, 1937 йилда ўтказилган рўйхатга олиш барча талабларга биноан ташкил этилгани боис, унинг натижалари социалистик тузум талабларига тўлиқ жавоб бермаган. Хусусан, мамлакатда ўтган даврдагига нисбатан аҳоли сони қисқарган ва динга эътиқот қилувчилар сони кескин кўп бўлган. Шунинг учун бу натижалар кенг оммага, айниқса, хорижий мамлакатларга ошкор қилинмаган ва 1939 йили яна бир бор ўтказилган. 1989 йили ўтказилган рўйхатга олиш маълумотлари бўйича Ўзбекистон аҳолиси 19810077 нафарни ташкил қилган. Шундан ўзбеклар 14142475 нафарни ёки умумий аҳолининг 71.39 фоизини ташкил этган.

**– Маълумки, аҳолини рўйхатга олиш бўйича навбатдаги тадбир Президентимизнинг 2019 йил 5 февралдаги фармонида қайд этилганидек, 2022 йилда бўлиб ўтади. Мазкур тадбир илгаригиларидан қандай жиҳатлари билан фарқ қилади?**

– Мамлакатимиз мустақилликка эришилгандан буён аҳолини рўйхатга олиш чора-тадбирлари амалга оширилмагани боис, 2022 йилда бўлиб ўтадиган тадбирда қуйидаги тафовутлар намоён бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Биринчидан, муқаддам интернет ва АКТ дан кенг омма фойдаланмаган, рўйхатга олишнинг бирламчи маълумотлари фақат қўлда ва қоғозда тўлдирилган. Иккинчидан, у даврда мулк шакллари ҳозиргидек хилма-хил ва ранг-баранг бўлмаган. Учинчидан, мамлакатлар ўртасида аҳоли миграцияси деярли бўлмаган, ҳозирда бу кўрсаткич ҳар тамонлама кенгайди ва ўзгарди. Яна бир жиҳати, аҳолининг даромад манбалари кўпи билан иккита бўлган. Ҳозирда бу кўрсаткич доираси кескин кенгайди, даромад олаётган аҳоли сони ва даромад манбалари ҳам анча кўпайган. Шунингдек, муқаддам "миллати" деган кўрсаткич бўлган, бироқ "фуқаролиги" деган кўрсаткич бўлмаган. Ҳозирги кунда бу кўрсаткич ҳам асосий бандлардан бири ҳисобланади. Чунки эндиликда мамлакатимизда бир неча ўнлаб элчихона, консуллик хизматлари, шунингдек, хорижий инвестицияга асосланган минглаб қўшма корхоналар фаолият юритмоқда. Бу мамлакатимизда хорижлик фуқаролар ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг кўплигидан далолат беради.

**– Аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва амалга ошириш жараёнида қандай чора-тадбирларнинг бажарилиши кўзда тутилган?**

– Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармонида бу вақтга қадар синов асосида аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни ташкил этиш, унинг натижаларини таҳлил қилиш ва шу асосда методологик ҳужжатларни такомиллаштириш чора-тадбирлари белгилаб берилган. Унга биноан Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинади.

Тасдиқланган Концепцияга мувофиқ, 10 кундан 60 кунгача бўлган даврда бевосита аҳолини рўйхатга олиш ишлари амалга оширилади, яъни шу давр мобайнида аҳоли тўғрисидаги маълумотлар йиғилади, назорат текширувидан ўтказилади ва ваколатли орган — Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига умумлаштириш учун топширилади. АКТ ва интернет тармоғидан кенг фойдаланиш ҳисобига бу муддат янада қисқариши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Қолаверса, мамлакатимизда нафақат аҳолини рўйхатга олиш бўйича мутахассисларнинг амалий кўникмалари етишмайди, балки рўйхатга олинувчиларнинг ҳам тажрибалари кам. Бу ҳолат ҳам мутахассисларни тайёрлашни, тарғибот ишларини мунтазам ва тизимли олиб боришни тақозо этади.

**– Аҳолини рўйхатга олувчилар қандай танланади ва бу жараён қандай молиялаштирилади?**

– Рўйхатга олувчиларни танлаш энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Чунки маълумотларнинг тўғрилигига бевосита айни улар масъул бўлади ва шакллантирилган маълумотлар реал бўлиши шарт. Бу жараёнга жалб этиладиган ходимлар ҳар хил ёшда ва касбда бўлиши, биринчи навбатда, Давлат статистика қўмитаси ва унинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари ходимлари, статистика йўналишида таҳсил олаётган талабалар, магистрлар, шунингдек, таянч докторантлар бўлиши мумкин.

Ёши ва касбидан қатъи назар, аҳолини рўйхатга олучилар учун қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилади ва зарурат туғилса, уларга қўшимча маслаҳатлар берилади.

Аҳолини рўйхатга олиш тадбирларини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар амалдаги ҳужжатларга, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ белгиланади. Жараённи давлат бюджети маблағлари ва қонун билан тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобига молиялаштириш кўзда тутилган.

**– Аҳолини рўйхатга олиш давомида олинган маълумотларнинг махфийлиги ким томонидан ва қандай таъминланади?**

– Жаҳон тажрибасига таяниб айтадиган бўлсак, аҳолини рўхатга олишнинг бир неча тамойиллари мавжуд. Шулардан бири – маълумотларнинг сирлилик ва дахлсизлик тамойили, деб аталади. Бир сўз билан айтганда, ҳар қандай шахс ҳақидаги маълумот, айни шу мақомдаги бошқа шахс учун қатъий сирлигича қолиши зарур. Шу боис бу жараёнда иштирок этувчи ходимлар рўйхатга олинувчилар ҳақидаги маълумотлар сирлилигини таъминлашни кафолатлаш бўйича ёзма тилхат беради. Олинган маълумотлар эса фақат рўйхатга олишнинг марказлашган хизмат бюроси, яъни Давлат статистика қўмитаси ҳузурида ташкил этиладиган йиғма марказга тааллуқли бўлади, холос. Бу ерда шахсий маълумотларнинг нафақат бошқа шахслар, балки ушбу тадбир билан бевосита боғлиқ бўлмаган давлат ходимларига ҳам дахлсизлиги сақланиб қолади. Мухтасар айтганда, 2022 йилда аҳолини рўйхатга олиш концепциясининг 22-бандида қайд этилганидек, "Рўйхатга олиш варақаларидаги аҳоли тўғрисидаги шахсий маълумотлар фойдаланилиши чекланган махфий ахборот ҳисобланади, тарқатишга йўл қўйилмайди ва фақат статистик мақсадларда қайта ишланади".

**– Якуний натижалар билан қандай танишиш мумкин?**

– Амалдаги меъёрий ҳужжатларга биноан, якуний маълумотларни уч тилда эълон қилиниши кўзда тутилган. 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга доир комплекс чора-тадбирлар дастурининг 27- бандида аҳолини рўйхатга олиш натижаларини расмий чоп этиш, тарқатиш, ахборот билан таъминлаш ва эълон қилиш, аҳолини рўйхатга олишнинг дастлабки ва якуний маълумотларини архивда сақлашга тайёрлаш муддати 2024 йил 1 декабрга қадар, деб кўрсатилган. Кўриб турганимиздек, маълумотлар билан танишишнинг охирги чегара муддати белгиланган. Бироқ, биз агарда тезкор фаолият юритсак, ушбу муддатдан олдин ҳам эълон қилиш имкониятига эга бўламиз.

Умуман олганда, мамлакатимизда 2022 йилда ўтказилиши режалаштирилаётган аҳолини рўйхатга олиш натижалари нафақат давлатимиз манфаати учун, балки БМТ бу борада жаҳонда ўтказаётган тадбирининг таркибий қисми сифатида дунё ҳамжамияти учун ҳам ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлади.

**Абдурауф ҚОРЖОВОВ,**
**шарҳловчи.**




# Жазони ижро этиш колонияларидаги маҳкумларга

## *ўртача 1 миллион сўмгача ойлик иш ҳақи тўланмоқда*

### МАТБУОТ АНЖУМАНИ

**Интерполнинг Ўзбекистон Республикасидаги миллий маркази биносида Ички ишлар вазирлиги томонидан «Ички ишлар органларининг жазони ижро этиш органлари фаолияти» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди. Унда вазирликнинг Жазони ижро этиш бош бошқармаси раҳбарияти ва бир қатор масъул ходимлар иштирок этди.**

— Сўнгги уч йилда соҳа ривожига оид Ўзбекистон Республикасининг 2 қонуни, Президентимизнинг 5 қарори ҳамда ҳукуматнинг 7 қарор ва фармойиши, 4 идоралараро қўшма қарор ҳамда 10 дан ортиқ идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, — дейди **Жазони ижро этиш бош бошқармаси тарбиявий ва ижтимоий психологик ишларни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи Жамшид Султонов.** — Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 17 декабрдаги «2018-2022 йилларда жазони ижро этиш муассасаларининг бино ва иншоотларини капитал қуриш ва реконструкция қилиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармойишига мувофиқ жазони ижро этиш муассасаларида реконструкция ва таъмирлаш ишлари олиб борилди. Эскирган бино ва иншоотлар ўрнида янгилари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Хусусан, Зангиота туманида замонавий, халқаро стандартларга мос келадиган янги тергов ҳибсхонаси қурилиб фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, 35 та колониядаги маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган бино тўлиқ таъмирланди ва уларнинг ҳудудларини видеокузатув назоратига олиш учун қўшимча 1381 та видеокамера ўрнатилди. Шунингдек, маҳкумларнинг мурожаатлари, мавжуд муаммоларини ўрганиш ва уларни ижобий ҳал қилиш мақсадида Жазони ижро этиш бош бошқармаси томонидан сайёр қабуллар ўтказилиши йўлга қўйилган. Шу билан бирга, барча жазони ижро этиш колонияларида Омбудсманга, прокурорга тўғридан-тўғри ариза билан мурожаат этишга мўлжалланган алоҳида қутилар ҳам ташкил этилган.

Ушбу муассасаларда ахлоқан тузалишнинг энг самарали усули — маҳкумларни касбга ўргатиш ва уларни иш билан таъминланишига алоҳида эътибор қаратилишидир. Шу боис ҳам меҳнатга лаёқатли маҳкумларнинг 88 фоизи учун меҳнат қилишига муносиб шароитлар яратилган. Қолаверса, маҳкумларнинг ойлик иш ҳақи ўртача 1 миллион сўмгача етказилган.

Уларни озодликка чиқишга тайёрлаш, республикамизда амалга оширилаётган сиёсий ва ижтимоий воқеалардан хабардор қилиш мақсадида барча колонияларда фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жумладан, барча жазони ижро этиш колонияларида маҳкумларни қамраб олувчи маҳкумлардан иборат Хотин-қизлар кенгашлари, вояга етмаган тарбияланувчиларнинг Ота-оналар кенгашлари тузилган ва улар самарали фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, Жазони ижро этиш бош бошқармаси ва «Ҳунармандлар» уюшмаси билан ҳамкорликда йўлга қўйилган «Уста-шогирд» мактабида 18 нафар ҳунарманд раҳбарлигида 306 нафар уста маҳкумга 979 нафар шогирд маҳкум бириктирилиб, уларга халқ амалий санъати маҳсулотларини тайёрлаш бўйича ҳунар ўргатилмоқда. Шуниси қувонарлики, бугунги кунда «Уста-шогирд» мактабини тугатган 272 нафар маҳкумга эгаллаган мутахассислиги бўйича сертификатлар берилган.

Шунингдек, матбуот анжуманида чин дилдан тузалиш йўлига ўтган маҳкумлар Президентимиз томонидан мунтазам равишда афв этиб келинаётгани, яъни 2017-2019 йиллар давомида давлатимиз раҳбари томонидан 8 маротаба афв этиш бўйича фармон имзоланиб, 4 мингдан ортиқ маҳкумга нисбатан қўлланганi тўғрисида ҳам маълумотлар берилди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

### БИЛАСИЗМИ?

## АЙРИМ ТИББИЙ МАЪЛУМОТНОМАЛАР ЭНДИ ДХМлар ОРҚАЛИ БЕРИЛАДИ



"Давлат тиббиёт муассасалари томонидан фуқароларга маълумотномалар бериш тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ҳукумат қарори (18-сон, 10.01.2020 й.) қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, 2020 йил 1 апрелдан бошлаб фуқароларнинг **Руҳий касалликлар бўйича диспансер ҳамда Наркология диспансери ҳисобида туриши ёки турмаслиги тўғрисидаги маълумотнома** Давлат хизматлари марказлари ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали тақдим этилади.

Шунингдек, **2020 йил 1 апрелдан бошлаб:**

— Руҳий касалликлар бўйича диспансер ҳамда Наркология диспансери томонидан фуқароларнинг ҳисобда туриши ёки турмаслиги тўғрисидаги маълумотномани тўғридан-тўғри бериш амалиёти бекор қилинади;

— Наркология ва руҳий касалликларга чалинган фуқаролар ҳисоби **фақат электрон шаклда** юритилади.

2020 йил 1 мартгача давлат хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган автоматлаштирилган электрон ахборот тизими ишлаб чиқилади.

Қарор билан фуқароларнинг Руҳий касалликлар бўйича диспансер ҳамда Наркология диспансери ҳисобида туриши ёки турмаслиги тўғрисида маълумотнома бериш бўйича маъмурий регламентлар тасдиқланди.

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОИЙ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ДАСТУР ТАСДИҚЛАНДИ



"2020–2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори (10.01.2020 й.) қабул қилинди.

Қарор билан **2020–2022 йилларда** Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури тасдиқланди.

Дастур, жумладан, ОТМлар, болалар мусиқа ва санъат мактабларини, тиббиёт муассасаларини, автомобиль йўллари, кўприклар ҳамда йўл ўтказгичларини ва бошқаларни қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли дастурларни ўз ичига олади.

Дастурни амалга ошириш учун жами **48 598,9 миллиард сўм** маблағ ажратилиши белгиланди.

Қарорга кўра, йўл қурилиши ишларини амалга ошириш учун зарур бўлган йўл битимини марказлаштирилган ҳолда етказиб бериш тартиби бекор қилинди ва унинг белгиланган тартибда фақат пудрат ташкилотлари томонидан сотиб олиниши белгиланди.

## ХОРИЖДА ИШЛАЁТГАНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ДЕПАРТАМЕНТ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ



"Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий ҳамкорлигини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" Президент Фармони (10.01.2020 й.) қабул қилинди.

Фармонга мувофиқ, Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш масалалари департаменти Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган **Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва халқаро иқтисодий ҳамкорлик масалалари департаменти** этиб қайта ташкил этилди.

Департаментга бир қатор қўшимча вазифалар юклатилди.

Жумладан, Департамент миллий иқтисодиётнинг муҳим вазифаларини ҳал этиш ҳамда уни барқарор ривожлантиришга қаратилган интеграциялашув имкониятларини кенгайтириш ишларини мувофиқлаштиради.

Фармонга мувофиқ, бир қатор вазирлик ва идоралар марказий аппарати тузилмасида ходимлар умумий чекланган сони доирасида Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви масалалари билан шуғулланувчи **таркибий бўлинмалар** ташкил этилади.

**Адлия вазирлигининг телеграмдаги "Huquqiy axborot" канали.**

«Инсон ҳақида хотира қанча яшаса, у шунча яшайди».

# Фарзандимнинг дўстлари қалбим малҳами

**ХОТИРА АЗИЗ**

**Абу Абдуллаҳ Жафар ибн Муҳаммад Рудакий «Дунёнинг шодлиги йиғилса бугун, дўстлар дийдоридан бўлолмас устун»**

**Арасту:«Дўстлик— ҳаёт зарурати, чунки умри гарчанд роҳат-фароғатда ўтса ҳам ҳеч кимса ҳаётини дўстсиз ўтказишни истамайди»**

**Гёте:«Кимки дунёда дўстлари борлигини билмас экан, дунё ҳам уни билишни истамайди»**



*Суратда: Ферузахон (ўртада) дўстлари билан.*

Буюкларнинг бу нодир сўзларини қайта-қайта ўқиб, болагинам Ферузахоннинг қанчалик дўсти кўплигини, уни дўстларига бўлган меҳрини, ўз ўрнида дўстларини Ферузахонга бўлган самимий меҳрини эслаб, бир томондан қалбим ларзага келади, иккинчи томондан кўнглим бироз таскин топади. Дарҳақиқат, Ферузахон дўстликни ва дўстларини ниҳоятда қадрлар эди, уларнинг хурсандчилигига ҳам, хафалигига ҳам шерик эди. Хизмат сафарида чет элларда бўлганимизда Ферузахон Германияда ва Ҳиндистонда ҳам кўплаб турли миллатга мансуб бўлган турли давлат вакиллари орасида дўстлар орттирди. Улар ичида чехиялик дўсти Ратхани жуда соғиниб, кўп эсларди. Сафардан сўнг Тошкентга қайтганимизда ҳам Ферузахон дўстларини соғиниб, хатлар ёзиб турарди. Дўстлар бир-бирларини янги йил, муборак ҳайит кунлари ва ўз мамлакатларининг турли байрамлари билан табриклаб туришар эди. Хатлар ва табрикномалар шеър кўринишида, ўзлари чизган расмлар, қўлда ясалган ранг-баранг қутичалар кўринишида бўларди. Ўша хатларнинг ҳозир дадаси билан ўқиганимизда, уларда болагинамнинг дўстларига бўлган муҳаббати, меҳри ва садоқати яққол намоён бўлади. хатлар ва шеърлар мазмунида болаларга хос жўшқинлик, софлик, нафислик ва самимийлдик нафаси сезилиб туради.

1999 йил сентябрда Ҳиндистон сафаридан қайтганимиздан сўнг Ферузахон Тошкентдаги 60-мактабнинг 8-синфига борди. Синфда 22 ўқувчидан 16 нафари қизлар эди. Ферузахон тез кунларда барча синф ўқувчилари билан дўстлашиб кетди. Ўқишни бошида синфдошларидан Света Чкалова, Ольга Глазырина, Олеся Ким, Жанна Григорьева, кейинчалик Нодира Мухамедова, Александра Привалова, Ирина Мирзаметова, Валерия Никитина, Александра Югай, Юрий Югай, Артем Крынциловлар Ферузахонни яқин дўстларига айланишди. Синф раҳбари Гаяна Альбертовна Мартиросова болалар билан шу даражада яқинлашиб кетган эдики, худди опа-сингилдек эди. Гаяна Альбертовна доимо, ҳатто дарслардан кейин ҳам ўқувчилари билан бирга бўларди. Мактаб немис тилини чуқур ўрганишга ихтисослашганлиги учун, немис тили дарслари Германиядан келган ўқитувчилар Фрау Ингеборг Кноп ва Вольфганг Хорог томонидан ўқитилар эди. Ферузахон Германияда хизмат сафарида бўлганимизда Бонн шаҳрининг немис мактабида ўқиганлиги учун бу тилни жуда яхши биларди. Ферузахон немис тилида талайгина китобларни ўқиб чиққанди. Шу сабабли ўртоқлари кўпинча бизникига немис тилидан дарс тайёрлашаётгани устидан чиқиб қолса, ич-ичидан қувониб, «баракалла қизим, дўстларга ёрдам бериш керак, ҳали булар ҳам сенга ўхшаб Германия ва бошқа немис тилли давлатларига боришади», деб Ферузахонни эркалатиб қўярди.

Кечқурунлари гаплашиб ўтирганимизда Ферузахон кўпинча кун давомида қайси синфдошига қандай ёрдам бергани ҳақида ҳаяжонланиб гапирарди: «Бугун Света бетоблиги учун дарсга келолмади, ундан хабар олиб келдим, Жаннага дорихонадан дори олиб бориб бердим, синфдошларимга немис тилидан диктант ёзишга ёрдам бердим». Кейинчалик 2002 йилнинг январида Оллоҳнинг иродаси билан бошимизга мусибат тушганида Ферузахон дўстлари ёнимизда туришди. Улар ҳар куни дарсдан кейин синф раҳбари Гаяна Албертовна билан бизникига келиб, тунгача бизга ҳамдард бўлишди.

Ўтган 18 йил давомида Ферузахон дўстлари улғайиб, оила қуриб, болали-чақали бўлиб кетишди. Улардан айримлари ҳозир Германияда, Австрияда ва Россияда яшашларига қарамасдан Ферузахонни асло унитишмади. Ферузахоннинг барча дўстлари доимо биздан хабар олиб, дардимизга малҳам бўлишди

Ферузахон дўстлари ҳақида ўйлар эканман, дўстликнинг кучига, унинг сеҳрига қойил қоламан. Ферузахоннинг дўстлари хотиралари туфайли болагинам доимо ёнимда, биз билан бирга. Римлик буюк аллома Сенека айтганидек: «Инсон ҳақида хотира қанча яшаса, у шунча яшайди».

**Гуласал НЕЪМАТОВА**



# Боғча ёши ўзгардими?

**Яқинда қабул қилинган “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Қонун юзасидан турли саволлар берилмоқда. Улар орасида энг кўп сўралаётгани — “боғчага болаларни қабул қилишда қуйи ёш чегараси ўзгардими?” деган савол бўляпти.**

Шу муносабат билан қуйидагиларга аниқлик киритилади.

Қонуннинг 34-моддасида мактабгача таълим муассасалари гуруҳларини тўлдириш ҳақида сўз боради. Унда боғча гуруҳларининг ёшга доир тоифалари келтирилган ва “илк ривожланиш гуруҳи (бир ёшдан уч ёшгача)” деган тоифа қайд этилган.

Ушбу жумла фуқароларни чалғитиб, “болаларни ҳамма боғчаларга бир ёшдан бошлаб бериш мумкин экан” деган **нотўғри** талқинларни юзага келтирмоқда.

Бироқ Қонуннинг 33-моддасида “Умумий турдаги давлат мактабгача таълим ташкилотларига болаларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади” дейилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сон қарори билан тасдиқланган низомнинг 35-бандда эса шундай дейилади: “Давлат мактабгача таълим ташкилотларига **3 ёшдан 7 ёшгача** бўлган болалар қабул қилинади”.

Демак, давлат боғчаларига болаларни қабул қилиш ёши қуйи чегараси **3 ёшлигича** қолмоқда.

Хусусий боғчаларга болаларни қабул қилиш ва улардан чиқариш эса Вазирлар Маҳкамасининг қарори эмас, нодавлат мактабгача таълим ташкилотининг устави билан тартибга солинади. Бунда нодавлат мактабгача таълим муассасаси уставида назарда тутилган бўлса ва давлат томонидан қўйилган маълум талабларга жавоб берса, болаларни **ҳатто 1 ёшга тўлмаган бўлса ҳам** хусусий боғчалар қабул қилиши мумкин.

Қонундаги ёш гуруҳлари тоифаланишига оид моддага **“бир ёшдан уч ёшгача”** сўз бирикмаси киритилишининг сабаби қуйидагилар, биринчидан, давлат боғчаларига болаларни қабул қилишда кейинчалик ёш чегараси ўзгарса, Қонунга ўзгартириш киритишдек мураккаб юридик процедуранинг олдини олиш, **иккинчидан,** хусусий боғчаларда гуруҳларни ёшга доир тоифалаш меъёрларини белгилаб бериш.

**Ўз мухбиримиз.**




O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Ulug`bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Mahmud TOIR
Qalandar ABDURAHMONOV
Guliston ANNAQILICHEVA
Muslihiddin MUHIDDINOV
Shuhrat JALILOV
Hayotxon ORTIQBOYEVA
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

**Qabulxona** — (71)233-65-45
**Xatlar va murojaatlar uchun** — (71)233-12-56
**Reklama va e`lonlar uchun** — (71)233-47-80, (71)233-38-55
**E-mail:** info@uzbekistonovozi.uz

**MANZILIMIZ:**
100000,Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba kuni chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 151. 2013 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 03:30.
Topshirilgan vaqti — 04:00.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
**Toshtemir XUDOYQULOV**
Sahifalovchi-dasturchi:
**Zafar BAKIROV**

ISSN 2010-7633

Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5 6